КОММУНИЗМ БУНЁДКОРЛАРИ НАМОЙИШИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 87 (5691).

2 МАЙ ЯКШАНБА

1976 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ КИШИЛАРИ МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ — 1 МАЙ БАЙРАМИНИ КАТТА ТАНТАНА БИЛАН НИШОНЛАБ, ЛЕНИНЧИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯ ТЕВАРАГИГА МУСТАҲКАМ ЖИПСЛАШГАНЛИКЛАРИНИ, КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ ЗЎР КУЧ БИЛАН ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТАЁТГАНЛИКЛАРИНИ НАМОЙИШ ҚИЛДИЛАР.



МОСКВА. 1 Май. Мавзолей минбарида. (ТАСС-ЎзТАГ).

ПАРТИЯ БИЗНИ ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛАМОҚДА

МОСКВА ҚИЗИЛ МАЙДОНИДА БИРИНЧИ МАЙ НАМОЙИШИ

Советлар диёрида Биринчи май тонги —нурафшон, шодиёна, байрамона тонг отди. Шу тонг Қизил байроқлар меҳнат ва баҳорни шарафлаб, планетамиз халқларининг дўстлигини шарафлаб қўкда хилпирай бошлади. Ер куррасининг ҳамма софдил кишиларнинг дили ва нигоҳи бугун Москвага — дунёда биринчи социалистик давлат пойтахтига қадалган.

Қизил майдон... Мамлакатнинг бош майдони тантанали ва ҳамиша бўлганидек соҳибжамол қиёфа касб этган. Бугун баҳорнинг ўзи унга ўз рангини берган. Кремль Деворлари тепасида иттифоқдош республикаларнинг герблари тасвирланган ўн беш байроқ кўтарилган. Марказда Совет Иттифоқининг Давлат герби кўзга ташланади. Бош универсал магазин биносида Маркс, Энгельс, Ленин портретлари туширилган қаттакон қизил байроқ ўрнатилган. Тарих музейини безаб турган катта паннода байроқ ушлаган ишчи ер курраси фонида тасвирланган.

Ҳар қайси Биринчи майнинг ўзига хос фазилати бор. Бу сафарги байрамни биз КПСС XXV съездининг совет кишилари ижодий гайратини қулф урдириб юборган ғоялари байроғи остида нишонлаяпмиз. Мамлакатимиз иқтисодий ва социал тараққиётининг қўламлари чиндан ҳам улуғворлиги, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг съезддаги докладида, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишларида жозибали тарзда тасвирлаб берилган. «Биз янги жамият, инсоният тарихида шу дамгача мисли кўрилмаган жамият барпо қилдик... Бу жамият келажакка, порлоқ коммунистик истиқболларга ишончи мустаҳкам жамиятдир. Унинг олдида яна ҳар томонлама тараққий этиш учун чексиз уфқлар очиқ», — деди съездда Ўртоқ Л. И. Брежнев.

Ҳозир Советлар мамлакати коммунистик қурилишнинг янги муҳим босқичига қадам қўйди. Олдимизда турган катта вазифаларни ҳал этиш халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ривожлантиришда олга томон катта одим ташлаш, фан ва маданиятни янада равнақ топдириш, совет кишиларининг фаровонлигини юксалтиришни таъминлаш имкониятини беради. Миллион-миллион ишчилар, колхозчилар, мутахассислар съезд маъқуллаган планларнинг бажарилиши учун ўз роли ва масъулиятини чуқур англаб, ташаббускорлик билан ижодий, зарбдор меҳнат қилмоқдалар.

Бугун пойтахт корхоналарининг илғорлари, Москва областининг қишлоқ меҳнатчилари, КПСС XXV съезди шарафига ўтказилган социалистик мусобақа ғолиблари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг вакиллари, олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари Қизил майдонга келдилар.

Минбарларда жуда кўп меҳмонлар—ўнлаб мамлакатлардан келган касаба союз ва ишчилар ташкилотларининг вакиллари, таниқли жамоат арбоблари, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун курашчилар туришибди. СССРдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ҳам шу ерда.

Майдоннинг у бошидан бу бошигача қудратли қарсаклар тўлқини, қўпчиликнинг «Ура!» садолари янграйди. «КПССга шон шарафлар!», «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинчи Марказий Комитетига — шон-шарафлар, шон-шарафлар, шон-шарафлар!» деган хитоблар эшитилади, москваликлар ва пойтахт меҳмонлари партия билан совет давлатининг раҳбарларини қизғин, самимий табриклаб қутиб оладилар. **Л. И. Брежнев, И. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, Н. В. Подгорний, М. А. Суслов, Д. Ф. Устинов, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, К. Ф. Катушев, М. В. Зимянин, К. У. Черненко** ўртоқлар мавзолейнинг марказий минбарига чиқадилар. Таниқли совет ҳарбий бошлиқлари, шунингдек Москвада меҳмон бўлиб турган Куба Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари, Куба республикаси Революцион Қуролли Кучлари министри Рауль Кастро **Рус** Марказий минбарда улар билан ёнма-ён туришади.

Майдон узра Кремль курантлари бонги таралади. Эрталаб соат 10. Фанфаралар чалиниши байрам бошланганлигидан дарак беради. Бош колоннанинг улуғвор одим ташлаб кириб келиши қаҳрамонона зафарларимиз солномасининг саҳифаси каби тобора кучайиб боради. Кўплан-кўп макетлар, паннолар, транспарантлар совет кишиларининг бунёдкорлик ишларини, партия билан халқнинг бирлигини, меҳнаткашларнинг ўнинчи беш йиллик топшириқларини шараф билан бажаришга тайёрлигини тасвирлайди.

Байроқдорлар колоннаси минбарларга яқинлашади. Коммунистик партиянинг, дунёда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси Владимир Ильич Ленининг портрети, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоларининг портретлари лоларанг алвонга ўраб олинган.

Майдонга кириб келган автомашинада: «1 Май» сўзи чироқлар нурида жилваланиб кўринади. Қизил байроқли мотоциклчилар машинага ҳамроҳлик қиладилар. Панноларнинг бирига «Пролетар интернационализми байроғини баланд кўтарайлик!» деган қудратли қаҳётбахш шиор ёзиб қўйилган. Бу шиор бугун ҳам бутун дунё меҳнаткашларини ўз ҳуқуқлари учун, порлоқ келажак учун курашда жипслашишга даъват этади.

Колонналарнинг сафлари қайта тузилиб, «XXV» деган катта рақам ҳосил қилинади. Намойиш қатнашчилари: «Улуғ Ленинга — шон-шарафлар!», «Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига—шон-шарафлар!», Коммунизм қураётган улуғ совет халқига — шон-шарафлар!» деб қайта-қайта такрорлайдилар. Меҳнат билан тинчлик бир-биридан ажралмасдир. Шу боисдан ҳам бу сўзлар байрам байроқларига ёнма-ён ёзилган.

Тинчлик! Бу сўз бугун минглаб транспарантларда такрорланган. Партиямиз билан Совет давлатимиз изчиллик билан ўтказаётган тинчлик сиёсатини бутун тараққийпарвар инсоният тобора кўпроқ қўллаб-қувватламоқда.

«Тинчлик жуда қимматга тушган, шу боисдан ҳам Ватанимиз тинчликни мустаҳкамлаш учун куч-гайратини аямайди ва аямаётир. Тинчлик — ҳамма халқлар учун энг буюк неъматдир. Инсоният социал тараққиётининг муҳим шартидир. Партиямиз, Совет давлатимизнинг куч-гайратлари, аҳил бўлиб ва жипслашиб ҳаракат қилаётган социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг актив сиёсати, уларнинг халқлар тараққиёти ва озодлиги йўлидаги ҳамма курашчилар билан мустаҳкамланиб бораётган иттифоқи, уларнинг капиталистик мамлакатлардаги тинчликсевар, реалистик доиралар билан амалий ҳамкорлиги ўз натижаларини бермоқда. Халқаро кескинлик анча юмшатилди, давлатларнинг кенг миқёсдаги ҳамкорлиги учун шарт-шароит яратилди», — деди ўртоқ Л. И. Брежнев И. А. Лихачев номидаги Москва автомобиль заводи коллективининг митингида сўзлаган нутқида.

Узаро Иқтисодий ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг давлат байроқлари тасвирланган панно ҳозирги замоннинг етакчи революцион кучи — жаҳон социализм системасига батишланган. Унинг ёнида қардош

(Давоми 2-бетда).

ЖОНАЖОН ПАРТИЯ БАЙРОҒИ ОСТИДА

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАЙ НАМОЙИШИ

Совет Ўзбекистонининг пойтахтига Биринчи Май байрами КПСС XXV съезди ғоялари туфайли бунёдкорлик ишлари кенг қулоч ёзган айёмда келди. Ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа туфайли эришилган муваффақиятлар ҳақидаги хушхабарлар байрам таронасининг ажойиб дебочасидек бўлди.

Тошкент байрамга алоҳида ясанишининг зарурати бўлмай қолди. Шаҳардаги янгиянги кварталлар, шаҳар проспектларининг икки чеккасида қад кўтарган баланд иморатлар, замонавий архитектура ва шаҳарсозлик техникаси эришган муваффақиятларни миллий меъморчиликнинг бой анъаналари билан уйғунлаштирган осмонўпар уйлар Биринчи Май байрамининг киши кўзини қувонтирадиган безаги бўлди. Мана шу шодиёна кунда шаҳар маркази байрам либосига бурканган республика пойтахтининг нурафшон дурдонасига ўхшаб кетди. Шаҳар марказининг архитектураси учун бир гуруҳ меъморлар ва қурувчилар СССР Давлат мукофотини олишга сазовор бўлдилар.

В. И. Ленин номли майдонда қад кўтарган биноларнинг олд томонида партия билан ҳукумат раҳбарларининг катта суратлари, КПСС Марказий Комитети Биринчи Май чақириқларининг сўзлари ёзилган алвонлар кўзга ташланиб турибди. Меҳнаткашларнинг йўлбошчиси ҳайкалига туташиб кетган меҳмонлар минбари одамлар билан лиқ тўла. Партия ва меҳнат ветеранлари, таниқли фан ва маданият арбоблари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг депутатлари шу минбардан ўрин олдилар.

...Эрталаб соат 10. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари ва аъзоликка кандидатлари **И. Г. Анисимкин, И. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусаҳонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Э. Б. Нордман, Г. М. Орлов**, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари **А. С. Абдалин**, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари **Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, Г. А. Габриельянц, И. В. Марцинюк, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев** ҳукумат минбарига кўтариладилар.

Кремль курантларининг жаранглаган овози байрам тантаналарининг бошланганлигидан дарак беради. СССР ва Ўзбекистон ССРнинг Давлат гимнлари янграйди.

Шаҳарлик ёшлар бир неча дақиқа ичида майдонни лиқ тўлдирадилар. Скрипкаларнинг овози жаранглайди, раққослар ўйинга тушадилар. Болалар бахтиёр ёшликни шарафлаб, ўсиб келаётган ёш авлод тўғрисида буюк ғамхўрлик қилаётганлиги учун жонажон партияга ташаккур изҳор этадилар.

Шундан кейин Тошкент меҳнат аҳлининг тантанали юриши бошланади. СССР ва Иттифоқдош республикаларнинг давлат байроқлари орасида Ўзбекистон ССРнинг Герби ўрнатилган автомашина аниқ кўриниб турибди. Ўзбекистон ССР Герби республика халқ хўжалиги буюк парвозининг рамзи бўлган каттакон пахта ғарами устида кўзга яққол ташланади. Ўзбекистоннинг кўксига Ватан тақиб қўйган ҳукумат мукофотларининг макетлари баланд кўтарилган. Шонли революцион анъаналар шаҳри, тинчлик ва халқлар дўстлиги шаҳри бўлган Тошкентнинг байроғи донгдор ишчиларнинг қўлларида ҳилпираб бормоқда.

Районларга қарашли намойишчиларнинг колонналари майдонга беш азим дарё оқимидек кириб келади. Колонналар узра қирмизи байроқлар, ҳаво шарлари, гуллар, плакатлар ва транспарантлар кўзга ташланади. Маъносини ҳамма яхши биладиган «XXV» рақами бамисоли жанговар шиордек баланд

(Давоми 2-бетда).

ТОШКЕНТ. 1976 йил 1 Май. В. И. Ленин номли майдонда меҳнаткашларнинг байрам намойиши.
С. Маҳкамов ва Т. Каримов фотолари.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ «САФИМИЗДА ҚОЛОҚЛАР БЎЛМАСИН!» ДЕГАН ШИОР ОСТИДА ИШЛАШ ҲАМДА КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ ВА ИШ СИФАТИНИ ОШИРИШ ҲАРАКАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲА СИДАГИ ТАШАББУСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қўйидагиларни таъкидлаб ўтди: Янгийўл шаҳри меҳнаткашлари кейинги йилларда саноат, транспорт, қурилиш ишлаб чиқаришини, маиший хизмат кўрсатиш ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришдилар.

Шаҳардаги барча корхоналар ва ташкилотлар тўққизинчи беш йилликда саноат ишлаб чиқариши планини муддатидан илгари бажардилар. Пландан ташқари 29,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш суръатлари 134 процентни ташкил этди. Янги техникани жорий қилиш, технологияни такомиллаштириш, ишларни механизациялашни юксак даражага кўтариш йўли билан меҳнат унумдорлигини оширишда ижобий натижаларга эришилди. Меҳнат унумдорлиги беш йил ичида 26 процент ошди ва ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 87 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилди.

Иш вақтининг бекор кетишини қисқартириш, ишлаб чиқариш қувватларидан яхши фойдаланиш ва ишлаб чиқариш жараёнларини тобора интенсивлаштириш асосида фондларнинг берадиган самараси ортиб бораяпти. Маҳсулотнинг сифати ва хиллари ҳамда бошқа техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар яхшиланмоқда. Саноатда, транспортда, қурилишда материал, меҳнат ва пул сарфларини камайтириш учун кўп иш қилинмоқда.

Янгийўл меҳнаткашлари сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати ғоят ўсган бир вазиятда ўнинчи беш йиллик планни бажаришга киришдилар. КПСС XXV съезди арафасида шаҳарда «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» деган шиор остида бошланган ҳаракат кенг қулоч ёйди. Ишлаб чиқаришдаги неча юзлаб энг яхши илғорлар—мураббийлар ёш ишчиларни ўз оталиғига олиб, бой тажрибаларини уларга ўргатмоқдалар. Шаҳар корхоналари ва ташкилотлари шу йилнинг тўрт ойи мобайнида халқ хўжалиги плани ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли адо этдилар.

Эришилган муваффақиятлар шаҳар партия ташкилотининг меҳнаткашларни энг юксак кўрсаткичларни қўлга киритишга, партия ташкилотининг экономикага раҳбарлиги самарасини оширишга сафарбар қилиш соҳасида кенг кўламда олиб бораётган ташкилотчилик ва сиёсий ишлари натижасидир. Шаҳар партия комитети хўжалик раҳбарларини топширилган иш учун юксак масъулиятни сезиш руҳида тарбиялашга катта эътибор бермоқда, ишнинг аҳволини батафсил таҳлил этишни, меҳнат унумдорлигини, фондларнинг берадиган самарасини ошириш, маҳсулотнинг сифати ва хилларини яхшилаш учун ишлаб чиқариш резервларини қидириб топиш ва булардан тўлароқ фойдаланишни хўжалик раҳбарларига ўргатмоқда, план ва молия интизомининг бузилишига, аппаратда ортиқча ходимлар сақланишига, хўжасизлик ва исроф-гарчиликка йўл қўяётган раҳбарларни қаттиқ жавобгарликка тортмоқда.

Шаҳар партия комитети корхона ва ташкилотларнинг иш якунларини ҳар ўн кунда қараб чиқмоқда, мавжуд камчиликларни йўқотиш учун амалий чоралар кўрмоқда. Хусусан план топшириқларини бажармаётган цех, участка, сменаларнинг бошлиқлари билан, мастерлар ва айрим ишчилар билан кун сайин тарбия ишини пухта олиб бориш шаҳар партия комитети фаолияти практикасида мустаҳкам ўрин олди. Қолоқликни тугатишда уларга амалий ёрдам берилмоқда.

Социалистик мусобақани янада ривожлантириш, янги почин ва ватанпарварлик ташаббусларини ўрганиш ҳамда ёйиш, мусобақанинг боришидан ҳамманинг хабардор бўлишини яхши йўлга қўйиш, маънавий ва моддий омилларни бирга тўғри қўшиб олиб бориш соҳасида кўп иш қилинмоқда. Шаҳар партия комитети мусобақани уюштириб ва унга етакчилик қилиб, меҳнаткашларнинг профессионал маҳоратини ва умумий билим даражасини уларнинг иқтисодий билимини ошириш учун кенг кўламда иш олиб бораяпти. Илғорлар тажрибаси, коммунистик меҳнат мактабларида ва иқтисодий таълим системасида ҳозир 4,5 мингдан зиёд киши ўқимоқда.

Шаҳар партия комитети бошлангич партия ташкилотларининг фаолиятига раҳбарликни доимо такомиллаштирмоқда, уларнинг диққат-эътиборини иш самарадорлиги ва сифатини оширишга, социалистик меҳнат интизомини тобора мустаҳкамлашга, меҳнаткашлар учун нормал ишлаб чиқариш ва маданий-маиший шароитларни вужудга келтиришга, меҳнаткашларни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашга жалб этмоқда.

Шаҳардаги ишчилар, инженер-техник ходимлар партиянинг ўнинчи беш йиллигини самарадорлик ва сифат беш йиллигига айлантириш тўғрисидаги даъватига жаво-

(Давоми 2-бетда).

ПАРТИЯ БИЗНИ ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛАМОҚДА

(Бошы 1-бетда).

социалистик мамлакатларнинг байроқлари кўтарилган. Бу байроқлар муштарак мақсадларнинг бирлигини тасвирлайди, Ўзаро Иқтисодий ёрдам Кенгашига аъзо бўлган давлатлар ҳамдўстликнинг улуғворлигини тасдиқлайди.

Биринчи Май куни совет кишиларининг бутун дунёда миллий мустақиллик, демократия ва социал тараққиёт йўлидаги курашчилар билан бирдамлик туйғуси айниқса яққол намоён бўлди. Атрофига қизил байроқлар тикилган, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш якунловчи актининг тексти ёзилган панно ўрнатилган машина майдон бўйлаб ўтади. Қизил алвонга «Халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги йўлида» деган сўзлар ёзиб қўйилган. Коммунизм қурилишида йил сайин янги-янги муваффақиятларга эришиб, порлоқ кўркам келажак сари комил ишонч билан бораётган Советлар мамлакатига жаҳон халқлари умид кўзи билан боқмоқдалар.

Майдоннинг ранг-баранг жилоси чиройли калейдоскоп каби ўзгариб боради. Студентлар қурилиш отрядларининг вакиллари, ДОСААФ спортчилари, физкультура институтининг студентлари, касаба союзлари бадиий хаваскорлигининг қатнашчилари ва энг ёш гражданлар — пионерлар билан мактаб ўқувчилари одим ташлаб кириб келадилар. Шойи алвонлар майдонда камалак мисол товланади. Очиқ машинага ўрнатилган СССР байроғи остида машҳур совет спортчилари, олимпия ўйинларининг, дунё ва Европанинг чемпионлари, мамлакат рекордчилари ўтадилар.

Бош колоннанинг юриши тугайди. Майдон марказида: «КПСС» ҳарфлари товланади. «Коммунизм галаба қозонади!» деган шиор яққол кўзга ташланади. В. И. Ленин портрети тасвирланган қизил алвонни кўтариб катта шар осмон томон учиб кета бошлади.

Чин қалбдан отилиб чиққан: «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Ленинчи Марказий Комитетига — шон-шарафлар!», «Совет халқига — шон-шарафлар!» «Ватанимизга — шон-шарафлар!» сўзларини минглаб кишилар такрорлайдилар. Қудратли «Ура!» садоси тўлқинисимон таралади. Пионерлар ва октябрятлар партия, совет давлатининг раҳбарларига ва қизил ленталарни тақдим этадилар.

Пойтахт меҳнат аҳлининг намойиши бошланади. Майдонни қизил байроқлар тўлдириб юборади. Биринчи Май — қизил рангнинг, ер юзидаги одамларнинг озодлиги, бахт-саодати ва тенглиги учун кураш рамзи бўлган рангнинг тантанасидир. Совет пойтахтининг Олтин юлдуз, қўш Ленин ордени ва Октябрь революцияси ордени билан безатилган байроғи биринчи бўлиб олиб ўтилади. Пойтахтнинг энг яхши намояндалари Москванинг машҳур байроғига ҳамроҳлик қиладилар. Бу йил москваликлардан яна ўн тўрт киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлдилар. Улар тўққизинчи беш йиллиқдаги шавкатли меҳнатлари учун «Ўроқ ва Болға» олтин медалини олдилар.

Алвонга ўралган машина Марказий минбарга яқинлашади. Бу — 1976 йил 17 апрель — Бутуниттифоқ ленинча Коммунистик шанбалиги куни пландан ташқари ишлаб чиқарилган «ЗИЛ-130» автомобили эди. Машина шу ердан — Қизил майдондан шонли меҳнат қучоғига йўл олади.

Шу меҳнат байрамида эўр ғайрат-шижоат, буюк бунёдкорлик руҳи айниқса, яққол намоён бўлди. Мана, ғоят маъноли рақамлардан бири — 6,2 миллион. Шанбаликка москваликлардан шунча кўп киши чиқди.

Ҳар бир совет кишиси дилидан жой олган «Москвада Май» қўшиғи янграйди:

Жўшқину
қудратли,
Енгилмас асло —
Ватаним менинг.
Москвам менинг —
Сен эрурсан севимли,
аъло!

Москва-река, Фрунзе, Баумон, Ленин, Красная Пресня, Пролетар, Свердлов, Дзержинский, Калинин районларининг колонналари майдонга биринчи бўлиб кириб келадилар. Улар май олди социалистик мусобақасидаги меҳнатда аъло муваффақиятларга эришиб, шу ҳуқуқни қўлга киритдилар. Москвадаги 30 райондан ҳар бирининг ўз қиёфаси бор. Буни байроқларда товланиб турган рапортлардан, заводларнинг эмблемаларидан беҳато билса бўлади.

Азим корхона — И. А. Лихачёв номидаги автозавод ярим асрдан қўпроқ вақтдан бери техника тараққиёти байроғини баланд кўтариб келмоқда. Одат бўлиб қолгани учунгина аввалгидек завод деб аталаётган бу улкан автомобиль корхонасининг меҳнат муваффақиятлари панноларда яққол тасвирланган. Ҳозирги Зил — корхоналарнинг бутун бир туркумидан иборат бўлиб, катта ишлаб чиқариш бирлашмасининг яхши намунасидир. Бугун зилчиларнинг колонналарида энг яхшиларнинг яхшилари одим ташлаб келмоқдалар. Автозаводчилар Қизил майдонга шундай рапортлар билан келишди: «Маҳсулотнинг 70 процентдан қўпроғи сифат белгиси билан чиқарилмоқда», «1976 йилда 16 та автомат ва 25 та механизациялашган поток линия жорий этилади», «Ўнинчи беш йиллиқда бир миллионтадан қўпроқ автомобиль ишлаб чиқарамиз».

Завод цехларида қўпгина ватанпарварлик ташаббуслари юзага келган. «Ишчиларнинг ташаббусига — инженерлар мададкор!» деган транспарант шу ташаббуслардан биринчиси моҳиятини очиб беради. ЗИЛ намойишчилари колоннасида шу ташаббус ижодкорларининг ўзлари — бригадир М. А. Кочубеевнинг ўзи ва бригада аъзолари, инженер-технологлар И. Н. Сухов ва В. Ф. Тюбекинлар ҳам ўтмоқдалар.

Йилига 200 минг юқ автомобили ишлаб чиқарадиган қувватларни барпо этиш ишлари муваффақиятли тугалланганлиги, тўққизинчи беш йиллик план топшириқлари ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини қўпайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар муддатидан илгари бажарилганлиги учун И. А. Лихачев номидаги Москва автомобиль заводи Октябрь революцияси ордени билан мукофотланди. Биринчи Май арафасида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев юксак мукофотни топшира туриб, автозаводчилар ҳузурида бундай деди: «Бу ерда, сизларнинг орангизда завод турмушидаги мамлакат ҳаётидаги унутилмас воқеаларнинг кўпгина шоҳидлари ва қатнашчилари борлигига аминман. Коллективнинг бу оқсоқоллари эндиликда минг-минглаб кишиларни битта меҳнаткаш оилага жиплаштирган, ишчи анъаналарини бошлаб беришган. Завод ветеранларига, кадр ишчиларига, юқори малакали мутахассисларга сидқидилдан раҳмат айтамиз, уларга таъзим қиламиз, уларнинг меҳнат эстафетасини автозаводчиларнинг ёш авлоди шараф билан давом эттирмоқда». ЗИЛчилар жуда яхши кайфият ва қувонч билан Қизил майдонга кириб келишди. Бирлашма ходимларидан қариб бир минг кишининг меҳнати СССР орден ва медалларни билан тақдирланди. Булар орасида слесарь Г. Д. Баранчиков, йўнувчи Е. М. Ефримов, ЗИЛ заводининг собиқ ишчиси, эндиликда бирлашма бош директорининг ўринбосари С. П. Караидеев, созловчи З. Ф. Зеленкова ва бошқа кўп кишилар бор эди. Биринчи Май арафасида темирчи К. Н. Малин ва асбобсоз Н. Г. Мячинга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилди.

— Заводимизнинг барча ходимлари, — деди Н. Г. Мячин, — корхона коллективига Октябрь революцияси ордени топшириш вақтида ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган нутқ таъсири остида яшамоқда. Партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари зилчиларнинг меҳнатига, автомобилсозларнинг оғир ва фахрли касбига юксак баҳо берганлиги бизни ғоят руҳлантириб юборди. Леонид Ильич билан учрашув бизни, ЗИЛ заводининг ишчилари, инженерлари, мутахассисларини, ветеранларни ва ёшларни бениҳоя ҳурсанд қилди, партиянинг улкан режаларини муваффақиятли амалга ошириш учун бизга янги куч бахш этди.

Владимир Ильич номли электромеханика заводи донги кетган коллективининг вакиллари мавзолей олдидан ўтадилар. Завод ишчиларидан ҳар бирининг таржимаи ҳолини ўзининг революцион, жанговар, меҳнат анъаналари билан шуҳрат қозонган жонажон заводнинг тақдиридан ажратиб бўлмайди.

Байрам колоннасида заводнинг энг кекса ишчиларидан бири Василий Егорович Лебедевни кўрамиз. У ярим асрлик умрини ўзининг жонажон цехига бағишлади. Биринчи беш йилликларнинг май тантаналарида қатнашди. У ҳар доим намойишга борганида қизил лента безаб турган баянини олиб чиқарди. Мана бугун ҳам меҳнат ветерани қўлида баян янграмоқда. Мураббий чалган куйга завод йигитлари жўр бўлиб, севимли қўшиқни айтмоқдалар.

Ёш ишчи Алексей Епишев завод остонасидан биринчи марта қадам босиб ўтди. У ўз коллективининг яхшилар қаторига ўтиб ол, деган ўгитини пухта ўзлаштириб олди. Уни цех комсомол ташкилотининг раҳбари қилиб сайлаганликлари ҳам бежиз эмас. Алексей Ильиччилар колоннасида Қизил майдондан биринчи марта шаҳдам қадам қўйиб бораётганлиги билан бахтлидир.

Заводнинг таржимаи ҳоли... Конвейерлардан тушаётган маҳсулотлар ҳам унинг таржимаи ҳолини баён қилиб турибди. Ильиччилар мамлакатимизнинг ҳамма қисмига, жаҳондаги кўп давлатларга Сифат белгиси қўйилган неча ўн минглаб моторларни юбормоқдалар. Маҳсулотнинг сифати ҳамиша коллективнинг ифтихори бўлиб келди. Беш йилликнинг бошида ильиччиларнинг «Сифат беш йиллигига—ишчи кафолати» деган даъвати бутун мамлакатга ёйилди. Колонна бу ҳаракатнинг ташаббускорлари — темирчилар бригадири Н. В. Метелкин, токарлар бригадири И. Г. Амосов ва йиғувчи-слесарлар бригадири Н. П. Кузнецов портретларини баланд кўтариб олдилар. Биринчи Май намойишчиларининг сафларида қаҳрамонларнинг ўзлари ҳам бор.

Тарих музейидан то Васильев нишаблигига қадар шоду-ҳуррамлик тўлқини бир бирига уланиб кетади. Колонналар узра Қизил байроқлар ҳилпирайди. Бу байроқлар Россия пролетариатининг дастлабки маёвкаларида ёқилган гулханларни эслатгандек бўлади. Большевиклар, Улуғ Ленин партиясининг аъзолари кишилар қалбида кураш ўтини алангалатган эдилар. Коммунистлар ҳамиша олдинги safларда борадилар. Улар Биринчи Май колонналарида ҳам олдинги safда боряптилар. Улар «Динамо», «Ўроқ ва Болга» заводи, Биринчи Давлат подшипник ва Биринчи соат заводлари, «Большевичка» бирлашмаси ва «Красная Роза» комбинати коллективларининг олдинги қаторларидан жой олганлар.

Коммунистлар «Красний пролетарий» заводи колоннасида ҳам олдинги safда бормоқдалар. Бу заводнинг коллективи шу куни биринчи квартал пландари ва апрель топшириқлари муддатидан илгари бажарилганлиги тўғрисида рапорт бермоқда. «Красний пролетарий» маркаси қўйилган ҳар ўн станокнинг тўққизтаси Давлат сифат белгиси билан тақдирланди. Заводда маҳсулотнинг сифатини назорат қилиш юзасидан комплекс система ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Олдинги safда бораётганлар орасида коммунистик шанбалик куни заводда энг юксак меҳнат унумдорлигига эришган йўнувчи А. Н. Федулов ҳам бор. Токарь В. Д. Чернишев, созловчи Г. С. Аркадьев, рандаловчи И. И. Мальцев «Красний пролетарий» колоннасида олдинги safларда бормоқдалар. Уларнинг ҳаммаси КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, завод токари А. Я. Рибаковнинг «Меҳнат унумдорлигини келгуси йил топшириқлари даражасига кўтарайлик» деб бошлаган ташаббусини биринчи бўлиб қўллаб-қувватлаган кишилар орасидан жой олди.

Социалистик мамлакатларнинг матбуотида ҳам шу ташаббус ҳақида А. Я. Рибаковнинг тажрибаси тўғрисида ҳикоя қилинди. Болгария машинасозлари эса совет ишчисининг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, ижодий тарзда ривожлантирдилар.

«Красний пролетарий» заводи вакилларининг бир группаси бугун Биринчи Май байрамини Германия Демократик Республикасида ўз дўстлари, касбдошлари, Берлиндаги «Марцан» заводи станоксозлари билан бирга кутиб олмоқдалар.

Минбардагилар «Трехгорная мануфактура» комбинатининг колоннасини шоду-ҳуррамлик билан кутиб оладилар. Уларнинг колоннаси корхонада тўқилган энг яхши матолардан ясалган ранг-баранг лолалар, бўтакўз каби гуллар қулф уриб очилиб турган чаманзорни эслатади. Сифат белгисига сазовор бўлган матолардан тикилган ёрқин ранг-баранг кийимдаги матрешкаларнинг қувноқ рақси жозибали. «Трехгорка»нинг меҳнат шуҳратини оширган тўқув фабрикаси мастерининг ёрдамчиси, Октябрь революцияси ордени кавалери Н. З. Румянцев каби кишилар намойишчилар қаторида боряптилар.

Бугун М. В. Демидованинг кайфияти жуда яхши. Биринчи Май арафасида унга йиғирув корхонасининг энг яхши мураббийси деган ном берилди. У ўзи тарбиялаб ўстирган Вера Кискина ва Рая Кузина билан биргаликда КПСС XXV съезди шарафига олинган социалистик мажбуриятларни биринчилар қатори бажарди.

Бугун бу ерда, Қизил майдонда қуёшли ўлкамизнинг қувончи жуда яққол сезилиб турибди. Бу ўлкада меҳнат аҳли ҳаётнинг чин эгаси, ҳозирда ва келажакдаги ҳаётнинг чинакам бунёдкоридир. У Ватаннинг эмблемаси — Ўроқ ва Болгани ўз қўлида маҳкам ушлаб турибди. Ўроқ ва Болга ишчилар синфи билан деҳқонларнинг рамзидир. Индустриал Москва колонналарида меҳнаткаш деҳқонларнинг вакиллари—Москва областидаги совхоз ва колхозларнинг вакиллари шаҳдам қадам ташлаб бораётганлиги ҳам бежиз эмас. Улар анъанага кўра Тимирязев райони намойишчилари билан бирга бормоқдалар. Улар ер куррасининг бошоқлар билан ўраб олинган макетини кўтариб олган эдилар.

Москванинг Тимирязев районини қишлоқ кадрлари ўчоғи деб аташади. Бу ерда 50 миллатга мансуб тўрт минг студент ўқимоқда. Машҳур Тимирязев билим ўчоғидан юқори малакали мутахассислар ишлаш учун мамлакатнинг ҳамма қисмларига юборилмоқда. Бу мутахассислар кўп иш қилишлари керак. Ноқоратупроқ зонадаги далалар, Кубань ва Олтой қирлари, Ўрта Осиё ва Болтиқ бўйи республикаларидаги мелиоратив қурилишлар, Украина ва Молдавиянинг чорвачилик комплекслари уларнинг келишини кутмоқда. Академиянинг ишларидан фойдаланиб беш йилликда 200 миллион сўмни, яъни аввалги беш йилдагига нисбатан 80 миллион сўм кўпроқ маблағни тежаш имконини беради

Намойишчиларнинг янгидан-янги колонналари музика садолари, табрик шиорлари остида майдонга кириб келадилар. Совет кишилари 1917 йилдан буён меҳнатимизнинг рамзи — Ўроқ ва Болгани ўз колонналарида зўр ифтихор билан баланд кўтариб келмоқдалар. Кейинги ўн беш йил мобайнида эса бу билан бирга яна бир рамзи-космик кемаси пайдо бўлди. Бу кема Советлар мамлакатининг илм-фан ва техника соҳасидаги жуда катта муваффақиятларини мужассамлаштиради.

Биз биринчи совет автомашиналари жуяк олган биринчи трактордан тортиб юлдуз трассалари ва орбитал космик станцияларигача катта йўл босиб, муваффақиятларга эришдик. Совет фанининг намояндалари Биринчи Майнинг қизил байроқлари остида майдонга кириб келишади. Октябрь районининг колоннасида СССР Фанлар академиясининг эмблемаси бўлган ва кенг очиб қўйилган катта китоб макетини кўрамиз. СССР Фанлар академиясининг П. Н. Лебедев номли Физика институтининг ходимлари бу китобни кўтариб олганлар. Бу институтнинг фаолияти муҳим халқ хўжалик проблемаларини ҳал этишда академик тадқиқотларни муваффақиятли қўлланиш намунасидир. КПСС XXV съездида таъкидлаб ўтилганидек, ана шу илмий муассаса лабораторияларида янги ажойиб материаллар, янгиликлар ва фанитлар яратилди.

Намойишчилар «435» рақами ёзилган плакатни кўтариб борадилар. Москванинг бир райони — Октябрь районидаги илмий ташкилотлар саноат корхоналари билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида 435 та шартнома тузганлар. Бу шартноманинг ҳаммаси муваффақиятли бажарилажагига шак-шубҳа йўқ.

Башарти Москванинг районларига герб таъсис этиш таклиф қилинса, ҳой-наҳой Свердлов ёки Фрунзе районларининг аҳолиси санъат рамзи—лира эмблемасини танлаб олган бўлур эдилар. Бу районларнинг Қизил майдондаги байрам маршида ўзининг 200 йиллик юбилейини нишонлаётган Большой театр артистлари, «музика академияси»—П. И. Чайковский номидаги Москва консерваториясининг талабалари ва муаллимлари, мхатчилар ва бошқа санъаткорлар ўтишмоқда. Улар ер юзининг ҳамма бурчакларида ҳам бениҳоя инсонпарвар ва юксак совет санъатини намойиш қилиб, дунёнинг олқишига сазовор бўлмоқдалар.

Совет пойтахтининг меҳнаткашлари партия билан халқнинг метиндек бирлигини, совет кишиларининг коммунистик қурилишда КПСС XXV съезди белгилаб берган янги марраларни эгаллашга қизғин интилишини яна бир карра намойиш қилдилар. 1 Май куни бу ерда Улуғ Ленин Мавзолейи ёнида совет кишилари дунёда биринчи социалистик давлат Улуғ Октябрь ёққан машъални баланд кўтариб бораётганлиги ва бундан буён ҳам муносиб равишда кўтариб бораверишини бутун дунёнинг кўз ўнгида яна бир марта намойиш қилдилар. Совет халқи марксизм-ленинизм байроғи остида, коммунистик партия раҳбарлигида комил ишонч билан, шаҳдам одим ташлаб янги-янги зафарлар сари бормоқда.

Қизил майдондан берилган репортажни ТАСС мухбирлари Л. БЕРНАСКОНИ, В. ИТКИН, В. СЕРОВ, Н. ЦАРАПКИН олиб борднлар.

ТОШКЕНТ. 1976 йил 1 Май. В. И. Ленин номли майдонда меҳнаткашларнинг байрам намойиши.

ЖОНАЖОН ПАРТИЯ БАЙРОҒИ ОСТИДА

(Бошы 1-бетда).

кўтарилган. Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари Совет ҳокимиятининг ўзлари — бригадир Н. А. Кочубеевнинг ўзи ва бригада аъзолари, инженер-технологлар И. Н. Сухов ва В. Ф. Тюбекинлар ҳам ўтмоқдалар.

Йилига 200 минг юқ автомобили ишлаб чиқарадиган қувватларни барпо этиш ишлари муваффақиятли тугалланганлиги, тўққизинчи беш йиллик план топшириқлари ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини қўпайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар муддатидан илгари бажарилганлиги учун И. А. Лихачев номидаги Москва автомобиль заводи Октябрь революцияси ордени билан мукофотланди. Биринчи Май арафасида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев юксак мукофотни топшира туриб, автозаводчилар ҳузурида бундай деди: «Бу ерда, сизларнинг орангизда завод турмушидаги мамлакат ҳаётидаги унутилмас воқеаларнинг кўпгина шоҳидлари ва қатнашчилари борлигига аминман. Коллективнинг бу оқсоқоллари эндиликда минг-минглаб кишиларни битта меҳнаткаш оилага жиплаштирган, ишчи анъаналарини бошлаб беришган. Завод ветеранларига, кадр ишчиларига, юқори малакали мутахассисларга сидқидилдан раҳмат айтамиз, уларга таъзим қиламиз, уларнинг меҳнат эстафетасини автозаводчиларнинг ёш авлоди шараф билан давом эттирмоқда». ЗИЛчилар жуда яхши кайфият ва қувонч билан Қизил майдонга кириб келишди. Бирлашма ходимларидан қариб бир минг кишининг меҳнати СССР орден ва медалларни билан тақдирланди. Булар орасида слесарь Г. Д. Баранчиков, йўнувчи Е. М. Ефримов, ЗИЛ заводининг собиқ ишчиси, эндиликда бирлашма бош директорининг ўринбосари С. П. Караидеев, созловчи З. Ф. Зеленкова ва бошқа кўп кишилар бор эди. Биринчи Май арафасида темирчи К. Н. Малин ва асбобсоз Н. Г. Мячинга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилди.

— Заводимизнинг барча ходимлари, — деди Н. Г. Мячин, — корхона коллективига Октябрь революцияси ордени топшириш вақтида ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган нутқ таъсири остида яшамоқда. Партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари зилчиларнинг меҳнатига, автомобилсозларнинг оғир ва фахрли касбига юксак баҳо берганлиги бизни ғоят руҳлантириб юборди. Леонид Ильич билан учрашув бизни, ЗИЛ заводининг ишчилари, инженерлари, мутахассисларини, ветеранларни ва ёшларни бениҳоя ҳурсанд қилди, партиянинг улкан режаларини муваффақиятли амалга ошириш учун бизга янги куч бахш этди.

Владимир Ильич номли электромеханика заводи донги кетган коллективининг вакиллари мавзолей олдидан ўтадилар. Завод ишчиларидан ҳар бирининг таржимаи ҳолини ўзининг революцион, жанговар, меҳнат анъаналари билан шуҳрат қозонган жонажон заводнинг тақдиридан ажратиб бўлмайди.

Байрам колоннасида заводнинг энг кекса ишчиларидан бири Василий Егорович Лебедевни кўрамиз. У ярим асрлик умрини ўзининг жонажон цехига бағишлади. Биринчи беш йилликларнинг май тантаналарида қатнашди. У ҳар доим намойишга борганида қизил лента безаб турган баянини олиб чиқарди. Мана бугун ҳам меҳнат ветерани қўлида баян янграмоқда. Мураббий чалган куйга завод йигитлари жўр бўлиб, севимли қўшиқни айтмоқдалар.

Ёш ишчи Алексей Епишев завод остонасидан биринчи марта қадам босиб ўтди. У ўз коллективининг яхшилар қаторига ўтиб ол, деган ўгитини пухта ўзлаштириб олди. Уни цех комсомол ташкилотининг раҳбари қилиб сайлаганликлари ҳам бежиз эмас. Алексей Ильиччилар колоннасида Қизил майдондан биринчи марта шаҳдам қадам қўйиб бораётганлиги билан бахтлидир.

Заводнинг таржимаи ҳоли... Конвейерлардан тушаётган маҳсулотлар ҳам унинг таржимаи ҳолини баён қилиб турибди. Ильиччилар мамлакатимизнинг ҳамма қисмига, жаҳондаги кўп давлатларга Сифат белгиси қўйилган неча ўн минглаб моторларни юбормоқдалар. Маҳсулотнинг сифати ҳамиша коллективнинг ифтихори бўлиб келди. Беш йилликнинг бошида ильиччиларнинг «Сифат беш йиллигига—ишчи кафолати» деган даъвати бутун мамлакатга ёйилди. Колонна бу ҳаракатнинг ташаббускорлари — темирчилар бригадири Н. В. Метелкин, токарлар бригадири И. Г. Амосов ва йиғувчи-слесарлар бригадири Н. П. Кузнецов портретларини баланд кўтариб олдилар. Биринчи Май намойишчиларининг сафларида қаҳрамонларнинг ўзлари ҳам бор.

Тарих музейидан то Васильев нишаблигига қадар шоду-ҳуррамлик тўлқини бир бирига уланиб кетади. Колонналар узра Қизил байроқлар ҳилпирайди. Бу байроқлар Россия пролетариатининг дастлабки маёвкаларида ёқилган гулханларни эслатгандек бўлади. Большевиклар, Улуғ Ленин партиясининг аъзолари кишилар қалбида кураш ўтини алангалатган эдилар. Коммунистлар ҳамиша олдинги safларда борадилар. Улар Биринчи Май колонналарида ҳам олдинги safда боряптилар. Улар «Динамо», «Ўроқ ва Болга» заводи, Биринчи Давлат подшипник ва Биринчи соат заводлари, «Большевичка» бирлашмаси ва «Красная Роза» комбинати коллективларининг олдинги қаторларидан жой олганлар.

Коммунистлар «Красний пролетарий» заводи колоннасида ҳам олдинги safда бормоқдалар. Бу заводнинг коллективи шу куни биринчи квартал пландари ва апрель топшириқлари муддатидан илгари бажарилганлиги тўғрисида рапорт бермоқда. «Красний пролетарий» маркаси қўйилган ҳар ўн станокнинг тўққизтаси Давлат сифат белгиси билан тақдирланди. Заводда маҳсулотнинг сифатини назорат қилиш юзасидан комплекс система ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Олдинги safда бораётганлар орасида коммунистик шанбалик куни заводда энг юксак меҳнат унумдорлигига эришган йўнувчи А. Н. Федулов ҳам бор. Токарь В. Д. Чернишев, созловчи Г. С. Аркадьев, рандаловчи И. И. Мальцев «Красний пролетарий» колоннасида олдинги safларда бормоқдалар. Уларнинг ҳаммаси КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, завод токари А. Я. Рибаковнинг «Меҳнат унумдорлигини келгуси йил топшириқлари даражасига кўтарайлик» деб бошлаган ташаббусини биринчи бўлиб қўллаб-қувватлаган кишилар орасидан жой олди.

Социалистик мамлакатларнинг матбуотида ҳам шу ташаббус ҳақида А. Я. Рибаковнинг тажрибаси тўғрисида ҳикоя қилинди. Болгария машинасозлари эса совет ишчисининг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, ижодий тарзда ривожлантирдилар.

«Красний пролетарий» заводи вакилларининг бир группаси бугун Биринчи Май байрамини Германия Демократик Республикасида ўз дўстлари, касбдошлари, Берлиндаги «Марцан» заводи станоксозлари билан бирга кутиб олмоқдалар.

Минбардагилар «Трехгорная мануфактура» комбинатининг колоннасини шоду-ҳуррамлик билан кутиб оладилар. Уларнинг колоннаси корхонада тўқилган энг яхши матолардан ясалган ранг-баранг лолалар, бўтакўз каби гуллар қулф уриб очилиб турган чаманзорни эслатади. Сифат белгисига сазовор бўлган матолардан тикилган ёрқин ранг-баранг кийимдаги матрешкаларнинг қувноқ рақси жозибали. «Трехгорка»нинг меҳнат шуҳратини оширган тўқув фабрикаси мастерининг ёрдамчиси, Октябрь революцияси ордени кавалери Н. З. Румянцев каби кишилар намойишчилар қаторида боряптилар.

Бугун М. В. Демидованинг кайфияти жуда яхши. Биринчи Май арафасида унга йиғирув корхонасининг энг яхши мураббийси деган ном берилди. У ўзи тарбиялаб ўстирган Вера Кискина ва Рая Кузина билан биргаликда КПСС XXV съезди шарафига олинган социалистик мажбуриятларни биринчилар қатори бажарди.

Бугун бу ерда, Қизил майдонда қуёшли ўлкамизнинг қувончи жуда яққол сезилиб турибди. Бу ўлкада меҳнат аҳли ҳаётнинг чин эгаси, ҳозирда ва келажакдаги ҳаётнинг чинакам бунёдкоридир. У Ватаннинг эмблемаси — Ўроқ ва Болгани ўз қўлида маҳкам ушлаб турибди. Ўроқ ва Болга ишчилар синфи билан деҳқонларнинг рамзидир. Индустриал Москва колонналарида меҳнаткаш деҳқонларнинг вакиллари—Москва областидаги совхоз ва колхозларнинг вакиллари шаҳдам қадам ташлаб бораётганлиги ҳам бежиз эмас. Улар анъанага кўра Тимирязев райони намойишчилари билан бирга бормоқдалар. Улар ер куррасининг бошоқлар билан ўраб олинган макетини кўтариб олган эдилар.

Москванинг Тимирязев районини қишлоқ кадрлари ўчоғи деб аташади. Бу ерда 50 миллатга мансуб тўрт минг студент ўқимоқда. Машҳур Тимирязев билим ўчоғидан юқори малакали мутахассислар ишлаш учун мамлакатнинг ҳамма қисмларига юборилмоқда. Бу мутахассислар кўп иш қилишлари керак. Ноқоратупроқ зонадаги далалар, Кубань ва Олтой қирлари, Ўрта Осиё ва Болтиқ бўйи республикаларидаги мелиоратив қурилишлар, Украина ва Молдавиянинг чорвачилик комплекслари уларнинг келишини кутмоқда. Академиянинг ишларидан фойдаланиб беш йилликда 200 миллион сўмни, яъни аввалги беш йилдагига нисбатан 80 миллион сўм кўпроқ маблағни тежаш имконини беради

Намойишчиларнинг янгидан-янги колонналари музика садолари, табрик шиорлари остида майдонга кириб келадилар. Совет кишилари 1917 йилдан буён меҳнатимизнинг рамзи — Ўроқ ва Болгани ўз колонналарида зўр ифтихор билан баланд кўтариб келмоқдалар. Кейинги ўн беш йил мобайнида эса бу билан бирга яна бир рамзи-космик кемаси пайдо бўлди. Бу кема Советлар мамлакатининг илм-фан ва техника соҳасидаги жуда катта муваффақиятларини мужассамлаштиради.

Биз биринчи совет автомашиналари жуяк олган биринчи трактордан тортиб юлдуз трассалари ва орбитал космик станцияларигача катта йўл босиб, муваффақиятларга эришдик. Совет фанининг намояндалари Биринчи Майнинг қизил байроқлари остида майдонга кириб келишади. Октябрь районининг колоннасида СССР Фанлар академиясининг эмблемаси бўлган ва кенг очиб қўйилган катта китоб макетини кўрамиз. СССР Фанлар академиясининг П. Н. Лебедев номли Физика институтининг ходимлари бу китобни кўтариб олганлар. Бу институтнинг фаолияти муҳим халқ хўжалик проблемаларини ҳал этишда академик тадқиқотларни муваффақиятли қўлланиш намунасидир. КПСС XXV съездида таъкидлаб ўтилганидек, ана шу илмий муассаса лабораторияларида янги ажойиб материаллар, янгиликлар ва фанитлар яратилди.

Намойишчилар «435» рақами ёзилган плакатни кўтариб борадилар. Москванинг бир райони — Октябрь районидаги илмий ташкилотлар саноат корхоналари билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида 435 та шартнома тузганлар. Бу шартноманинг ҳаммаси муваффақиятли бажарилажагига шак-шубҳа йўқ.

Башарти Москванинг районларига герб таъсис этиш таклиф қилинса, ҳой-наҳой Свердлов ёки Фрунзе районларининг аҳолиси санъат рамзи—лира эмблемасини танлаб олган бўлур эдилар. Бу районларнинг Қизил майдондаги байрам маршида ўзининг 200 йиллик юбилейини нишонлаётган Большой театр артистлари, «музика академияси»—П. И. Чайковский номидаги Москва консерваториясининг талабалари ва муаллимлари, мхатчилар ва бошқа санъаткорлар ўтишмоқда. Улар ер юзининг ҳамма бурчакларида ҳам бениҳоя инсонпарвар ва юксак совет санъатини намойиш қилиб, дунёнинг олқишига сазовор бўлмоқдалар.

Совет пойтахтининг меҳнаткашлари партия билан халқнинг метиндек бирлигини, совет кишиларининг коммунистик қурилишда КПСС XXV съезди белгилаб берган янги марраларни эгаллашга қизғин интилишини яна бир карра намойиш қилдилар. 1 Май куни бу ерда Улуғ Ленин Мавзолейи ёнида совет кишилари дунёда биринчи социалистик давлат Улуғ Октябрь ёққан машъални баланд кўтариб бораётганлиги ва бундан буён ҳам муносиб равишда кўтариб бораверишини бутун дунёнинг кўз ўнгида яна бир марта намойиш қилдилар. Совет халқи марксизм-ленинизм байроғи остида, коммунистик партия раҳбарлигида комил ишонч билан, шаҳдам одим ташлаб янги-янги зафарлар сари бормоқда.

Байрам намойиши иштирокчиларининг қўлларида оппоқ пахта чаноғининг макетлари бор. Тошкентликлар «оқ олтин» етиштиришни имкони борича кўпайтириш учун курашни, ғоят қимматли саноат хомашёси бўлган пахтадан бу йил камида 5 миллион 300 минг тонна ҳосил кўтариш учун курашни ўзларининг жонажон ишлари деб ҳисоблайдилар. Меҳнат коллективларининг деярли ҳаммаси деҳқонларга берган ёрдамларини панно ва диаграммаларнинг тили билан изҳор этишган. «Ташсельмаш» заводининг ишчилари билан мутахассислари янги юқори унумли «зангори кема»ларни чиқараётганликлари тўғрисида, ингичка толали пахта терадиган агрегатлар яқин орада конвейердан туширилгандан сўнг, Биринчи Май байрамига муносиб совға тайёрладилар. Шаҳарликлар ишлаб чиқараётган янги сеялкалар, ғўзапоя юладиган машиналар, пуркагич-чанглатгич машиналар, пахтачиликни комплекс механизациялаш учун зарур бўладиган бошқа техника ва ускуналарни қувонтиради. Лойиҳалаш институтларининг ходимлари ва ирригаторлар Қарши ва Жиззах даштларининг, Амударё этакларидаги қўриқ ерларнинг ўзлаштирилишида иштирок этаётганликлари тўғрисида ҳикоя қиладилар. Бу қўриқ ерларни ўзлаштириш тўғрисида партия XXV съезди минбарида туриб ганирилган эди. Намойишчиларнинг сафларида ўсимликларнинг серҳосил, вилтга чидамли навларини яратаётган ва тинчлик атоми энергиясини, химиянинг эришган энг янги муваффақиятларини пахтачиликка хизмат қилдираётган олимлар боришмоқда. Узларининг бутун куч ва билимларини деҳқончилик маданиятини оширишга бағишлаш учун тайёргарлик кўраётган студентлар ва ҳунар-техника билим юртларининг талабалари боришмоқда.

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг колоннаси ҳамма вақтдагидек гўзал қилиб ясатилган. Техника тараққиёти суръатларини жадаллаштириш учун курашда самолётсозларнинг эришган муваффақиятлари яққол сезилиб турибди. Бу илгор корхонада «Ҳар бир буюм учун ишчи кафолати» шиори остидаги ҳаракат муваффақиятли ривожланмоқда. Намойишга чиққан Октябрь революцияси номли тепловозвагон ремонти заводи, тўқимачилик комбинати, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташкенткабель», «Компрессор», «Миконд» заводлари, бошқа корхона коллективлари ўзларининг транспарантларида ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасига салмоқли ҳисса қўшганликларини маълум қиладилар. Қўрувчиларнинг кўп кишилик колоннаси ўтмоқда. Улар байрам арафасида тошкентликларнинг олти юз оиласига янги квартираларнинг калитини топшир

ОБЛАСТИМИЗДА БАЙРАМ ШОДИЁНАСИ

Халқаро бирдамлик куни — 1 Май байрами барча жойларда бўлгани сингари областимизнинг шаҳар ва районларида ҳам зўр шоду-ҳуррамлик билан нишонланди. Меҳнаткашларнинг бўлиб ўтган байрам намойишларида ишчи ва деҳқон ҳамкорлиги, халқларимиз дўстлиги ва бирдамлиги яна бир бор намоён бўлди.

АНГРЕН

Май тонги шаҳар узра гўё эрта отгандек бўлди. Радио карнайларидан таралаётган қувноқ куй ва қўшиқлар, байрам маршлари кончилар ва энергетикларни, бинокорлар ва зиёлиларни барвақт уйғотди. Шаҳар кўчалари байрам либосида. Қирмизи ранг байроқлар, жанговор сўзлар ёзилган алвонлар баҳор шамолида майин тебраниб турибди.

Эрталаб соат 10. Фанфараларнинг ўткир садоси 1 Май байрами намойиши бошланганлигидан дарак беради. В. И. Ленин номли майдон томон меҳнаткашлар колонналари оқиб кела бошлайди.

Намойишни шаҳар мактабларининг ўқувчилари бошлаб беришади. Сўнг кўмир разрези, 9-шахта, ГРЭС, «Ўзбекшахтострой» трести меҳнаткашлари сафсаф бўлиб, дадил қадамлар билан минбар олдидан ўтиб борадилар. Улар қўлидаги транспарант ва панноларда шаҳар меҳнаткашларининг тўққизинчи беш йилликда ва ўнинчи беш йилликнинг дастлабки ойларида қўлга киритилган муваффақиятлари ўз ифодасини топган.

Кончилар ҳозир ўнинчи беш йилликни муддатидан олдин бажариш учун бошланган мусобақада актив иштирок этишаяпти. 78 киши бир беш йилликда икки беш йилликни, 730 киши беш йилликни уч-тўрт йилда бажаришга аҳд қилган. Бу мусобақанинг пешқадамлари бўлган Д. Зазулин, Я. Янсен, Т. Мадусмонов каби илғорлар бугунги байрам колоннасининг олдинги сафларида бормоқдалар.

Шаҳарда эрта тонгда бошланган байрам шодиёналари кеч тунгача давом этди.

БЕКОБОД

В. И. Ленин номли майдоннинг бугунги файзи ўзгача. Ишчилар, бинокорлар, ўқувчилар қўлда гуллар, байроқлар ва шиорлар билан қувноқ қўшиқлар ижро этиб марказий майдон томон кириб келмоқдалар. Олдинда ДОСААФ мотоциклчилари. Мотоцикларга ўн беш қардош республиканинг байроқлари ўрнатилган. Улар орқасидан мактаб ўқувчилари, ҳунар-техника билим юрти талабалари ва студентлар келишаяпти.

Ёшлар — бизнинг келажагимиз. Уларнинг билим олишлари, ҳунар ўрганишлари, акалари ва оталаридек илғор металлург, бинокор, энергетик бўлиб етишишлари учун барча шароитлар яратиб берилган. Фарзандлар қўйлаётган қўшиқларда бу катта ғамхўрлик учун партия ва ҳукуматимизга миннатдорлик туйғулари изҳор этилган.

Меҳнаткашлар колоннасини Ўзбекистон металлургия заводи ишчилари бошлаб беришади. Олдинда КПСС XXV съездининг делегати пўлат эритувчи Мамажон Ёдгоров, комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи Шамси Нуриддинов. Металлурглар бугунги байрамни ёруғ юз билан кутиб олдилар. Улар тўрт ойлик планни муддатидан аввал адо этиб қўшимча минглаб тонна пўлат ва прокат ишлаб чиқардилар.

Намойишчилар сафида ўтиб бораётган цемент комбинати ишчилари ўз меҳнат муваффақиятларини 1 Май байрами ва корхонанинг бўлажак 50 йиллигига бағишламоқдалар. Шонли юбилей шарафига улар 800 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга бел боғлаганлар. Ҳозир шаҳар бўйлаб «Қолоқларсиз ишлаймиз!» шиори баралла янграмоқда. 15 корхонанинг ҳаммаси тўрт ойлик топшириқни бажариб 1 Май байрамига муносиб совға ҳозирлади. Эндиликда улар йиллик планни 15 декабргача адо этиш ва қўшимча салкам 6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун курашмоқдалар.

ОЛМАЛИҚ

Кенг-кенг кўчалар, осмонўпар ғиштин бинолар, яшил ҳиёбонлар шаҳар ҳусн-жамолини очиб турибди. Олмалиқ йил сайин яшариб, кўркамлашиб бораяпти.

Шаҳарнинг бугунги жамолига қараб тўймайсан киши. Чўғдек қизил байроқлар ва қирмизи алвонлар кўчалар узра хилпираб турибди. Панноларда ва транспарантларда шаҳар меҳнаткашлари қўлга киритаётган ютуқлар ўз ифодасини топган.

Байрам колоннасида ўтиб бораётган илғорларнинг чеҳраларида табассум, қалбларида қувонч. Улар ҳиссаси билан кон-металлургия комбинати ишлаб чиқараётган маҳсулотлар йил сайин ўнинчи беш йилликка боряпти. Бунинг эвазига корхона Меҳнат Қизил байроқ ордени билан тақдирланди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари В. Подвигин, Қ. Сафаров, КПСС XXV съезди делегати Э. Абдурахмонов ўртоқлар намойишчилар колоннасини бошқариб боришяпти.

Олмалиқ шаҳар меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларига жавобан ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш, кўплаб маҳсулот ишлаб чиқариб Ватанни хурсанд этишга бел боғлаганлар. Ҳозир йиллик топшириқни 26 декабргача адо этиш ва қўшимча бир неча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун қизғин кураш кетаяпти.

ЧИРЧИҚ

Тонг билан бирга уйғонган чирчиқликлар саф-саф бўлиб марказий В. И. Ленин номли майдон томон келмоқдалар. Олдинда Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари. Ҳар гал байрам намойишини шу ҳурматли кишилар бошлаб беришади.

Фашизмга қарши курашда мардлик намуналарини кўрсатган, меҳнат қилиб, довруғ қозонган отахон ва онахонлар шаҳарда оз эмас.

«КПСС XXV съезди қарорлари — ҳаётга!», «Бир беш йилликда — икки беш йиллик», «Ўнинчи беш йиллик — сифат ва самарадорлик беш йиллиги!» шиорлари намойишчилар боши узра кўзга яққол ташланиб турибди. Шу шиорлар остида меҳнат қилаётган чирчиқликлар ўнинчи беш йиллиннинг дастлабки ойларидаёқ ажойиб муваффақиятларни қўлга киритдилар. Тўрт ойлик план 1 Май байрами арафасида муваффақиятли бажарилди. Планга қўшимча равишда юзлаб минг тонна минерал ўғит, юзлаб минг сўмлик қишлоқ хўжалик ва химия машиналари ишлаб чиқарилди. Ҳозир юздан ортиқ ишчи бир беш йилликда икки беш йилликни бажариш, 500 дан ортиқ ишчи эса ўнинчи беш йилликни уч-тўрт йилда адо этиш учун курашмоқда. Ташаббускорлар сафи ой сайин кенгайиб бораяпти.

ЯНГИЙЎЛ

1 Май байрами арафасида Янгийўл шаҳри саноатчилари ажойиб ташаббус билан чиқдилар. Улар «Қолоқларсиз ишлаймиз!» дея барчани илғорлар сафига даъват этдилар. Бу ташаббус областимизнинг саноат корхоналарида кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Байрам намойиши қатнашчилари қўлидаги шиор ва транспарантларда ўнинчи беш йиллик вазифалари ифодаланган. Ишчилар ўтган беш йилликда пландан ташқари 29,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилган эдилар. 32 хил буюмга давлат сифат белгиси берилди. Янги беш йилликда улар бу ютуқлар қўламини яна ҳам кенгайтиришга аҳд қилганлар. Биринчи квартал топшириқни шаҳарда 22 мартдаёқ адо этилди. Ўтган йиллнинг шу даврига нисбатан меҳнат унумдорлиги салкам 4,5 процент ўсди. Улуғ байрам арафасида эса тўрт ойлик топшириқ ҳам шараф билан бажарилди. Пландан ташқари 3 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Областимизнинг Оҳангарон, Оққўрғон, Пискент, Ғазалкент шаҳарлари ва районларида ҳам меҳнаткашларнинг 1 Май намойишлари бўлиб ўтди. Байрамни муваффақиятли нишонлаган меҳнат коллективлари эндиликда йиллик планни барвақт адо этишга отланмоқдалар.

ТОШКЕНТ. 1976 йил 1 Май. В. И. Ленин номли майдонда меҳнаткашларнинг байрам намойиши.

С. Маҳкамов ва Т. Каримов фотоси.

РЕМОНТЧИЛАР ҒАЙРАТИ

Бу завод—тўққизинчи беш йиллик фарзанди. Ташкил қилинганига энди тўрт йил бўлаяпти.

Шу қисқа вақт ичида завод шуҳрати ошди, буюртмачилар сафи кенгайди. Турли маркадаги автобусларни капитал ремонт қилиб берадиган республикамиздаги ягона корхонага айланди. Дастлаб «ЗИЛ» автобусларини ремонт қилиш билан иш бошлаган завод коллективи эндиликда «ЛиАЗ», «ПАЗ», «Икарусь» типидаги автобусларни ремонт қилиш жараёнларини тўла ўзлаштиришга эришди.

— Тўққизинчи беш йиллиннинг якунловчи йилида коллективимиз айниқса қувончли натижаларга эришди,— деб ҳикоя қилади завод директори С. Жайсенбеков,— барча кўрсаткичлар бўйича зиммага олинган социалистик мажбурият ортиғи билан адо этилди. Жами 3459,3 минг сўмлик иш бажарилди.

— Улар заводимиз фахри,— деди директор «ЗИЛ» автобуси ўриндиқларини ремонт қилаётган бир гуруҳ аёлларни кўрсатиб.— Р. Яковлева бошлиқ бу бригада ойлик, квартал планларини ортиғи билан бажариб келади.

Корхонада уларга ўхшаган жонкўяр ишчилар анчагина. Ана шундай ишчилардан бири А. Отажаниядир. У бир беш йилликда икки беш йилликни бажариш мажбуриятини олди. «Ўнлар ташаббуси»га қўшилиб, мардонавор меҳнат қилаётган тажрибали штамповкачи ҳозир июнь ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда. У тайёрлаган деталлар доимо сифатли, ўзи бир нечта рационализаторлик таклифларининг автори ҳамдир. В. Литвинов, А. Колесников, В. Зайцев, Ш. Халилов, Ё. Самижонов, Н. Семакина, Х. Сотимбеков, Е. Волобуев, Ж. Усмонов каби ишчилар ҳам А. Отажанян изидан бориб беш йилликни муддатидан олдин бажариш юзасидан зиммаларига шахсий мажбуриятлар олиб ишламоқдалар.

Шуниси қувончлики, корхонада ўтган йили меҳнатни илмий ташкил қилиш, ички резерв ва имкониятларни тўла ишга солиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига 164,1 минг сўм соф фойда олинди. Бу пландагидан 20 минг сўм кўпдир. Ўтган йили рационализаторлик таклифларини жорий қилишда ҳам яхши кўрсаткичларга эришилди. Йил бошида белгиланган 20 ўрнига 62 та рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришда қўлланилмоқда. Бундан корхона 16 минг сўм фойда олмоқда.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарорига жавобан корхона ишчилари янада зўр ғайрат билан меҳнат қилишмоқда. Улар ўзаро социалистик мусобақани қизитиб, 1976 йилда ўтган йилга нисбатан 251 минг сўм кўп, йиллик планга қўшимча эса 100 минг сўм кўп маҳсулот реализация қилиш учун курашишмоқда. Бу йил «ЛиАЗ—677», «Икарусь» автобусларини капитал ремонт қилиш тўла ўзлаштирилиши кўзда тутилмоқда.

«Узавторемонт» республика саноат бирлашмасининг 2-автобус ремонт заводи коллективи КПСС XXV съезди қарорларига жавобан иш суръати ва сифатини оширишга астойдил интилмоқда.

Н. ҚОДИРОВ.

ЧОРВАЧИЛИК—ЗАРБДОР ФРОНТ

Бўзай массивига жойлашган совхозимиз чорвадорлари КПСС XXV съездининг илҳомбахш қарорларидан руҳланиб, 1 Май байрамолди вахтасида туриб ишлаб, қўзи олиш бўйича 1976 йилги социалистик мажбуриятларини бажардилар. Хўжалигимиз бўйича пландаги 14850 бош ўрнига 16500 бош соғлом қўзи олинди. Барча қўзилар қўй бош сонини кўпайтиришга қолдирилди.

У. Қолдибоев бошлиқ 3-бўлим чорвадорлари айниқса яхши меҳнат қилишди. Ҳар 100 бош она қўйдан 106 бошдан қўзи олишди.

Бўлим чўпонларидан Т. Юнусов қўзи сонини 128 бош, С. Отаев эса 116 бошга етказишга эришди. Шунингдек, 1-бўлимдан М. Адеев, 2-бўлимдан К. Сарсенбеков ва Т. Пилолов сингари чўпонлар ҳам ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларни бажаришди.

Чорвадорларимиз шу кунларда жун қирқиш билан бандлар. Бу иш 10 майга қадар тўла тугалланади. Биринчи қирқимнинг ўзидаёқ йиллик планнинг 75 процента миқдорида жун тайёрланади.

Бу йил ёғингарчилик илгарига қараганда нормадан ортиқроқ бўлиб, табиий ўтларнинг кўпайишига етарли имкон яратилди. Шуни ҳисоба олиб, камида икки йиллик хашак запасини жамғариб, 10 минг тонна сифатли хашак тайёрлашни планлаштириб қўйганмиз.

Хўжалигимиз йил сайин кўпроқ даромад оляпти. Шунга яраша турмуш фаровонлиги юксаляпти. Мана ўн икки йилдирки, совхозимиз рентабель хўжалик ҳисобланиб келмоқда.

Биз 1976 йил учун олган социалистик мажбуриятларимизни 25 октябрга қадар тўла-тўкис адо этишга аҳд қилдик.

А. БАКИРОВ,
Калинин районидаги Охунбобоев номли қўйчилик совхозининг директори.

МЎЛ-КЎЛ ЕМ-ХАШАК ЖАМҒАРАЙЛИК

Областимиз хўжаликларида масъулиятли давр бошланмоқда. Ҳамма жойда чорва учун мўл-кўл ем-хашак жамғаришга киришилмоқда. Бу йил областимиз бўйича планга қўшимча равишда 114 гектар ерга илдиз мевали экинлар, 8 минг гектардан кўпроқ ерга беда, 400 гектар ерга силос учун маккажўхори, 1140 гектар ерга эса бир йиллик ўтлар экилди. Ҳар бир гектар майдондан мўл озуқа ҳосили олиш ва уни намунали сақлаш муҳим вазифадир.

Область халқ контроли органлари ўтказган текшириш давомида кўпгина хўжалик раҳбарлари озуқа экинлари экиш ва уни йиғиштириб олишга яхши тайёргарлик кўргазикликлари маълум бўлди. Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди, «Коммунизм», Вотинцев номли колхозлар, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел», «Ленинский путь» колхозлари, Чиноз районидаги Охунбобоев номли, Собир Раҳимов номли колхозлар, Оржоникидзе районидаги Ленин номли, «Қизил Ўзбекистон» колхозлари чорвачиликнинг озуқа базасини яратишда бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Бу хўжаликларнинг аъзолари озуқа экинлари экишни энг яхши агротехника муддатларида ўтказишдилар, ўз вақтида сифатли ишлов беришни бошладилар. Шу боисдан ҳам ҳар йили чорва учун мўл кўл ем-хашак жамғарилмоқда.

Текшириш давомида айрим колхоз ва совхоз раҳбарларининг бу муҳим масалага масъулиятсизлик билан қараганликлари ҳам маълум бўлди. Бир қатор районларда илдиз мевали экинлар экиш ҳамон тугалланмаган. Халқ контроли органлари вакиллари текширган куни Пискент районида илдиз мевали экинлар экиш плани 53 процент, Бўка районида 68 процент, Юқори Чирчиқ районида 73 процент, Янгийўл районида эса 75 процент бажарилган эди. Бўстонлиқ, Юқори Чирчиқ, Янгийўл, Оржоникидзе ва Тошкент районларида силос учун маккажўхори экиш суст боряпти.

Шуниси ачинарлики, баъзи бир хўжаликларда экиш сифатсиз ўтказилганлиги сабабли уруғлик тупроқ устида қолиб унмади. Шу боисдан ҳам 1-«Пискент» совхози ишчилари силос учун маккажўхори экиладиган майдоннинг ярмига қўшимча уруғ ташлашга мажбур бўлдилар. Янгийўл районидаги Н. Ниёзов номли колхозда ҳам шундай аҳвол юз берди.

Кўпгина жойларда озуқа экинлари гуркираб ўсаётган бўлса ҳам ўриш техникасини тайёрлашга ҳамон эътиборсизлик билан қаралмоқда. Озуқа тайёрловчи бригадалар тузилмаган, қўшимча силос ва сенаж ҳавзалари тайёрланмаган, етилган ҳосилни йиғиб олиш графиги тузилмаган. Бу нуқсонлар нариёқ бориб озуқа тайёрловчилар ишига тўсқинлик қилиши мумкин. Шу боисдан ҳам барча хўжалик раҳбарлари, мутахассислар ва деҳқонлар ҳозирданоқ ўрим-йиғим кампаниясига пухта тайёргарлик кўришлари, техника ускуналарини бу муҳим ишга шай қилиб қўймоқлари лозим.

Халқ контроли органлари озуқа экинлари ўрими ва йиғими даврида алоҳида сезгирлик кўрсатишлари зарур. Улар ҳар бир жараённи ўз назоратлари остига олишлари, чорвачилик учун мўл озуқа базаси яратишда партия ташкилотлари ва хўжалик меҳнаткашларига яқиндан ёрдам беришлари керак.

Область халқ контроли комитети яқинда Тошкент район халқ контроли комитетининг 1976 йил озуқа экинлари ҳосилдорлигини ошириш ва мустаҳкам озуқа базаси яратишни назорат остига олиш юзасидан белгиланган тадбирларини маъқуллади. Бу тадбирларда озуқа базаси яратишнинг барча босқичларида районда бажарилиши лозим бўлган жараёнларни намунали ўтказиш ҳисобга олинган. Район назоратчилари дала ишлари билан бир қаторда техника ремонти, силос ва сенаж ҳавзалари қуриш ҳамда ремонт қилиш, табиий ўтлардан ем-хашак тайёрловчи махсус бригадалар тузиш ва уларга иш ҳақи тўлаш, озуқа базаси яратиш билан банд бўлган кишиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш каби вазифаларнинг қандай бажарилаётганлигини мунтазам кузатиб борадилар.

Озуқа экинларига ишлов бериш ва йиғиб олиш устидан оператив назорат ўрнатиш мақсадида район халқ контроли комитети ҳузурида активлар, район газетаси ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, «Комсомол прожектори» штаби вакилларидан иборат рейд бригадаси тузилди. Область халқ контроли комитети Тошкент райони назоратчиларининг бу қимматли ташаббусини барча жойларда кенг қўллаб-қувватлашни тавсия этди. Бутун куч озуқа тайёрлаш юзасидан белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажаришга сафарбар этилиши керак.

Барча районларда тузилаётган оператив группалар озуқа тайёрлашни тезлаштириш юзасидан бажараётган ишлари ҳар томонлама анализ қилиб, камчиликларни ўз вақтида бартараф этишлари, ҳар бир кўнгилсиз ҳолдан маълум органларни хабардор қилишлари, назоратнинг ошкоралигини таъминлашлари лозим. 5 майгача область хўжаликларида қўшимча равишда яна 300 га яқин халқ контроли постлари тузилади. Мўл-кўл чорва озуқаси тайёрлаш ва намунали сақлаш ҳаммамизнинг шарафли бурчимиздир.

П. КАБАЧКОВ,
Тошкент область халқ контроли комитети раисининг ўринбосари.

МУКОФОТ МУБОРАК

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР РАНГЛИ МЕТАЛЛУРГИЯ МИНИСТРЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Тўққизинчи беш йиллик план топшириқларини ва маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг сифатини яхшилаш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажаришда эришган муваффақиятлари учун қуйидагилар мукофотлансин.

III ДАРАЖА МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Маркова Анна Никитична — В. И. Ленин номидаги Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати сувоқчилар бригадасининг бошлиғи.

Пахомова Анна Филипповна — В. И. Ленин номидаги Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг флотатори.

Ражабов Раҳим — В. И. Ленин номидаги Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг скрейпер машинисти.

Токарев Анатолий Филиппович — В. И. Ленин номидаги Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг экскаватор машинисти.

Федоров Василий Александрович — В. И. Ленин номидаги Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг автомобиль ҳайдовчиси.

Федчук Виктор Васильевич — СССР 50 йиллиги номли Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг ишчиси.

Фисюн Михаил Прокопьевич — В. И. Ленин номидаги Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг экскаватор машинисти.

Шек Арина — СССР 50 йиллиги номли Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг ишчиси.

Шкуратко Александр Федорович — В. И. Ленин номидаги Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг экскаватор машинисти.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Артаев Николай Петрович — «Ўзбекзолото» комбинати проходкачилар бригадасининг бошлиғи.

Ахметов Фауст Шарифович — В. И. Ленин номидаги Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг электр слесари.

Вейт Иван Севастьянович — В. И. Ленин номидаги Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг механиги.

Докучаева Раиса Матвеевна — СССР 50 йиллиги номли Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг мастери.

Ермаков Виктор Дмитриевич — В. И. Ленин номидаги Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати автотранспорт бошқармаси партия комитетининг секретари.

Криченко Анатолий Васильевич — В. И. Ленин номидаги Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг катта мастери.

Климченко Проскофья Николаевна — В. И. Ленин номидаги Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг вентилятор машинисти.

Машев Баят — В. И. Ленин номидаги Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг слесари.

Медведев Филипп Егорович — «Ўзбекзолото» комбинатининг экскаватор машинисти.

Мирбаҳорова Тўхта — СССР 50 йиллиги номли Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг ишчиси.

Попов Владимир Яковлевич — В. И. Ленин номидаги Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг токари.

Ўрмонов Усмон — В. И. Ленин номидаги Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг йўл монтёри.

Хатамов Ҳолбой «Ўзбекзолото» комбинатининг тош майдаловчиси.

Хўжамиров Мирзо — Олмалиқ шахта қурилиши бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи.

Чернова Анастасия Никитовна — В. И. Ленин номидаги Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг юк қабул қилувчиси.

Йўлдошев Олтин — В. И. Ленин номидаги Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг насос қурилмаси машинисти.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдусаматова Шахло — СССР 50 йиллиги номли Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг аппаратчиси.

Алимова Насиба Санжарховна — В. И. Ленин номидаги Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг қуритувчиси.

Бажмина Нина Андреевна — В. И. Ленин номидаги Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг лаборанти.

Бойзоқов Нурмат — «Ўзбекзолото» комбинатининг электровоз машинисти.

Дороженко Мария Михайловна — В. И. Ленин номидаги Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг катта шихтовкачиси.

Загрудний Гений Николаевич — СССР 50 йиллиги номли Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг ишчиси.

Кан Валентин — В. И. Ленин номидаги Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг слесари.

Кирпичева Надежда Николаевна — В. И. Ленин номидаги Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг техника назорати бўлимининг назоратчиси.

Коломейцев Владимир Иванович — В. И. Ленин номидаги Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг катта электр механиги.

Коротких Иван Филиппович — В. И. Ленин номидаги Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг тегирмонлар машинисти.

Кривоногов Иван Николаевич — СССР 50 йиллиги номли Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг электр монтёри.

Левицкий Вячеслав Кириллович — В. И. Ленин номидаги Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг слесари.

Леонтьев Николай Михайлович — В. И. Ленин номидаги Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати слесарлар бригадасининг бошлиғи.

Махкамов Тўла — «Ўзбекзолото» комбинатининг автомобиль ҳайдовчиси.

Несговоров Владимир Васильевич — ВНИИТСнинг Чирчиқ филиали лабораторияси мудири.

Смолоногова Александра Ивановна — В. И. Ленин номидаги Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг сувоқчиси.

Тошпўлатов Искандар Тошпўлатович — В. И. Ленин номидаги Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг автомобиль ҳайдовчиси.

Терёхина Лидия Кондратьевна — В. И. Ленин номидаги Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати санатория профилакториясининг бош врачи.

Ураева Татьяна Григорьевна — «Союзцветметремонт» бирлашмаси Ўзбекистон бошқармасининг газ-электр пайвандчиси.

Хусанов Ғафур — «Ўзбекзолото» комбинати монтажчилар бригадасининг бошлиғи.

Хуснидинов Абдураҳим Абдураҳимович — В. И. Ленин номидаги тоғ-металлургия комбинатининг слесари.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАН «ХУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Бобожонов Зокиржон — «Средазэнергоцветмет» корхонасининг фрезерчиси.

Крупский Вадим Константинович — «Средазниипроцветмет» институтининг бош мутахассиси.

III ДАРАЖА МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Минбоев Нуриддин Муҳамедович — «Средазэнергоцветмет» корхонасининг ишчиси.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Волжина Валентина Ивановна — «Средазниипроцветмет» институтининг конструктори.

Саттаров Адаш Саттарович — «Средазэнергоцветмет» корхонасининг катта инженери.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Отажонова Флора Христофоровна — «Ўзбекзолото» комбинатининг бўлим бошлиғи.

Грицаев Илья Васильевич — «Средазэнергоцветмет» корхонасининг слесари.

Смирнов Иван Николаевич — «Средазэнергоцветмет» корхонасининг автомобиль ҳайдовчиси.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль,
1976 йил, 10 март.

(Боши газетанинг 30 апрель сонида).

ЭЛ ХИЗМАТИДА

Файзи опа қучоғида катта гулдаста билан уйга кириб келганида, райҳонларга сув тараётган келининг оғзидан чиққан биринчи гапи шундай бўлди:

— Табриклайман ойижон, мукофот муборак бўлсин!

Файзи опа ҳозиргина шу каби илиқ сўзларни йўл-йўлакай эшитиб келар экан, бошқалар ҳам унинг қувончига шерик эканлигидан шод эди.

Меҳнат қилган элда азиз, деб бежиз айтмаган доно халқимиз. Файзи Хўжаеванинг «Ҳурмат белгиси» орденига сазовор бўлиши ҳам ана шу меҳнат туфайлидир.

Мана чорак аср бўлибдики, у шаҳар «Союзпечать» агентлигига қарашли Киров районидаги 4-киоскада ишлайдилар. Саккиз йилдан буён «Коммунистик меҳнат зарбдори» деган номни шараф билан оқлаб, план топшириқларини 115—120 процент адо этадилар. Савдо аъзочиси Файзи опа, В. Холмуҳамедова, А. Сафаров каби қатор шогирдлар тарбиялади.

Олтмиш тўрт ёшли опахонни коллективда, маҳаллада энг яқин маслаҳатчи сифатида ҳурмат билан тилга олишади.

Ҳозир опа ойлик пландаги 1400 сўм ўрнига 1660—1700 сўм савдо қилаяптилар. Ўнинчи беш йиллиннинг дастлабки йили планини муддатидан илгари октябрь ойида бажариш ниятидалар.

Б. ҒАНИЕВ,

ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК

ҚИШЛОҚ марказида ўзбек-совет адабиётининг намоёндаларидан бири, Ватан, халқ бахт-саодати куйчиси Ҳамид Олимжонга ўрнатилган ҳайкал қад кўтариб турипти. Ҳайкал олдида шоиралар фахрий қоровулликда туришибди. Республикамиз пойтахтидан бу ерга ижодий ҳамкорлик ўрнатишга келган ёзувчилар—Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия, Мирмуҳсин, Иброҳим Раҳим, Нормурод Нарзуллаев, Туроб Тула, Акмал Пўлат, Комрон Ҳакимов ва бошқа қалам соҳиблари устод ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар.

Атоқли шоир номи билан аталувчи колхозда «Шарқ юлдузи» журнали редакцияси билан ижодий алоқалар ўрнатишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни Оққўрғон район партия комитетининг биринчи секретари Эгамназар Ҳатамов очди. «Шарқ юлдузи» журнали редакцияси коллективи ва ёзувчиларни табриклаб, район меҳнаткашлари янги беш йилликнинг биринчи йилида қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун фидокорона меҳнат қилаётганликлари ҳақида гапирди. Район пахтакорлари бу йил она-Ватанга 70 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилганлар. Далаларда дўрдона кўчатлари текис униб чиққан. Ҳар бир картада ғўза кўчатларининг белгиланган миқдорда бўлиши ва юксак агротехника қонидари асосида парваришланиши катта эътибор берилаяпти. Илғор пахтакорларнинг тажриба ва ташаббуслари кенг қанот ёзмоқда. Районда 60 бригада ҳар гектар ердан 40—55 центнердан пахта ҳосили олиш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

Область партия комитети агитация ва пропаганда бўлими мудирининг ўринбосари Н. Насимов қалам соҳибларини, журнал ходимларини область ва район партия комитетлари номидан табриклайди. Партиямиз XXV съездида ўртоқ Л. И. Брежневнинг қилган ҳисобот докладида ижодий ташкилотларнинг фаолиятига юксак баҳо берилганлигини айтиб, ижодий ташкилотлар, театрлар, адабий-бадиий журналлар завод, колхоз ва муассасаларни оталиққа олаётганлиги муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди.

«Шарқ юлдузи» журналининг редактори Мирмуҳсин журнал редколлегияси ва 140 minglik журналхонлар номидан колхозчиларни ижодий алоқалар ўрнатилиши муносабати билан қизғин табриклаб, журнал Ҳамид Олимжон номли колхозни оталиққа олиш ва у билан ижодий ҳамкорлик ўрнатишга қарор қилганлигини айтади. Журнал редакцияси колхозда клуб ва кутубхоналар ишини яхшилаш, кутубхона фондини бадиий асарлар билан бойитиш, ижодий учрашувлар, атоқли қалам соҳиблари иштирокида адабий кечалар ва суҳбатлар уюштиришда колхозга яқиндан ёрдам кўрсатади.

Ҳамид Олимжон номли колхоз раиси Ҳасан Эргашев ёзувчиларни, журнал ходимларини колхозчилар номидан қизғин табриклаб, коллектив хўжалик ишлари ҳақида сўзлади. Колхоз бу йил 1160 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектар ердан 45 центнердан, яъни 4940 тонна «оқ олтин» олишга аҳд қилган. Шу пахтанинг 3680 тоннаси машиналар билан териб олинади. Колхозда шоли, беда, сабзавот, маккажўхори ва бошқа экинлардан ҳам мўл ҳосил етиштирилади. Шунингдек, чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда юксак кўрсаткичга эришилади.

Раис колхозчилар Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияни ва «Шарқ юлдузи» журналининг редактори Мирмуҳсинни колхознинг фахрий аъзолигига қабул қилишга қарор қилганликларини айтади. Мирмуҳсин журнал редколлегияси аъзолигига Ҳ. Эргашевни сайлашга қарор қилганлиги ҳақида йиғилганларга хабар қилади.

«Шарқ юлдузи» журнали муҳаррирининг ўринбосари Ҳайдарали Ниёзов журнал ва Ҳамид Олимжон номли колхоз ўртасида доимий оталиқ алоқалари ва ўзаро ижодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома текстини ўқиб беради. Шартномага журнал редколлегияси ва колхоз правлениеси вакиллари имзо чекадилар.

Йиғилиш охирида ёзувчилар дастхатлари ёзилган ўз асарларини колхоз кутубхонасига топширадилар. Шундан сўнг мушоира бошланди. Мушоирани Мирмуҳсин олиб борди. Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия Ҳамид Олимжонга бағишланган шеърини ўқийди. Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи правлениесининг секретари, шоир Нормурод Нарзуллаев ва адиб Иброҳим Раҳим йиғилиш қатнашчиларини ўз ижодий режалари билан таништирдилар. Туроб Тўла, Акмал, Пўлат, Ойдин Хожиева, Ҳусниддин Шарипов, Азиз Абдураззоқ, Ямин Қурбон, Шукур Қурбон, Турсун Иброҳимов ўз шеърларини ўқиб бердилар.

Йиғилишда область партия комитетининг секретари А. М. Ҳўжаев иштирок этди.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ.



ЯЙЛОВ ҚИЗИ. И. Портнов фотоэтюди.

ҚИШЛОҚ ТОНГИ

ЛАВҲА

Йўл бўйидаги чироқлар бирин-кетин ўчмоқда. Қишлоқ узра тонг отмоқда. Мусаффо май тонги бу! Тоғ ортидан кўтарилаётган қуёшнинг заррин нурлари майин шабадада ҳилпираб турган қирмизи ранг байроқларда, қўшқаватли ғиштин бинолар пештоқида, дарахтларнинг шивирлаётган яшил баргларида ўйнаяпти.

Сув сепилган асфальт йўл бўйлаб сут ташийдиган машина ғизиллаб ўтиб кетди. У ҳозир фермадан келаяпти. Колхознинг бешта участкасида бешта болалар боғчаси, иккита ўрта мактабнинг бешта филиали бор. Янги соғиб олинган серқаймоқ сутнинг олди колхозчиларнинг фарзандларига юборилаяпти. Болалар учун сут бепул, колхоз ҳисобидан берилади.

Бир зумда кўчалар гавжумлашиб кетди. Қуёш билан бирга туриб, қуёш билан бирга ётадиган дамлар бошланган ҳозир. Кеч кузгача энди ҳеч кимда тиним бўлмайди. Бригадирлар, бошқарувчилар идорадаги ишларни шоша-пиша битиришиб, тўғри далага йўл олишаяпти.

Колхоз идораси қишлоқ марказида қад кўтарган янги клубда жойлашган. Номи клуб бўлса ҳам лекин ўзи унча-бунча маданият саройларидан қолишмайди. Паркет полли, биллур қандилли кенг зал саҳнасида яқинда республика филармониясининг «Каягим» ансамбли катта концерт берган эди. Ундан олдинроқ Украина ва Грузия санъаткорлари колхозчиларнинг меҳмони бўлишганди. Клубнинг бўш қолгани куни йўқ. Кечалар, учрашувлар, конкурслар—ҳаммаси шу ерда бўлаяпти.

—Клубнинг қурилиш тарихи қизиқ бўлган,—дейди колхоз партия комитетининг секретари Шокир Абдукаримов. — Тўққизинчи беш йилликнинг бошлари эди ўшанда. Район колхозлараро қурилиш бошқармаси бизга замонавий клуб қуриб берадиган бўлди. Лекин клуб пойдевори қўйилгандан сўнг иш таққа-тақ тўхтаб қолди. Ғишт йўқ, темир-бетон плита йўқ, деб улар бизни тўрт йил алдашди. Охири коммунистларимизнинг йиғилишида колхозда қурилиш ишларини жонлантириш учун комсомол-ёшлардан иборат маҳсус қурилиш бригадаси тузишга қарор қилинди.

Колхозда ёшлар талайгина. 45 комсомол-йигит қурилишда ишлаш истагини билдирди. Улар орасида ғишт терувчи ва бетончи ҳам, дурадгор ва монтажчи ҳам бор эди. Йигитлар колхозлараро қурилиш бошқармаси бинокорлари чала қолдирган ишни жадал давом эттиришди. Эрта баҳорда бошланган ишга кеч кузда якун ясалди. Ҳамқишлоқлар янги 1976 йилни янги клубда, яшил арча атрофида кутиб олишди.

Колхозда ёшлар талайгина. синовдан муваффақиятли ўтишди. Энди улар колхоз бўйлаб қурилиш кўламини яна ҳам кенгайтиришга бел боғлашди. Маблағ, механизация, ишчи кучи етарли бўлгандан кейин қурувчилар қадами ҳам тезлашаверди. Кўп ўтмай қирқ қонадонга мўлжаллаб қурилаётган яна бир бино қўлдан чиқди. Колхоз идорасининг икки қаватли маъмурий бинаси, бешта турар-жой, Охунбоев ва Новожизненск участкаларида қурилаётган замонавий дала шийпонларга пойдевор қўйилди.

—Даромадга қараб буромад-да, суҳбатимизга қўшилди колхоз бош бухгалтери Ким Дик Чер. —Ўтган йили биз гектар бошига салкам қирқ бир центнердан «оқ олтин» ҳосили кўтардик. Техника, минерал ўғит ва меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланиш туфайли ҳар центнер пахтанинг таннархи 26 сўмга тушди. Мўл ва арзон ҳосил етиштириш эвазига йил давомида 5 миллион 300 минг сўмлик иқтисодий фойда олдик. Бу маблағнинг катта қисми колхозчилар турмуш фаровонлигини оширишга, уй-жойлар, маданий-маиший объектлар қурилишига сарфланаяпти.

Эл ерни боқади, ер элни, деб бежиз айтишмайди. Колхознинг ҳам, колхозчиларнинг ҳам даромади, бойлиги шу она ердан бўлаяпти. Сидқидилдан, ҳалол меҳнат қилган оддий колхозчининг ўртача ойлик маоши ҳозир салкам 200 сўмга, механизаторнинг маоши эса 300 сўмга тўғри келаяпти. Шундай бўлгандан кейин улар яхши орзулар билан яна ҳам унумлироқ, яна ҳам сифатлироқ меҳнат қилишга отланмоқдалар.

Коллектив чигит экишни районда биринчилар қатори тугатди. Бу йил 1052 гектар ерга барака уруғи ташланди. Гектар бошига 44 центнердан хирмон кўтариш учун қизғин кураш бошланди. 110 гектар ерга экилган маккажўхорига ҳам ҳозир сифатли ишлов бериляпти. 650 гектар ерга каноп, 220 гектар ерга шоли экилди.

—Экиш даврида биз иш сифатидан доимо кўз-қулоқ бўлиб турдик,-дейди колхоз халқ контроли группасининг раиси Григорий Ким.—Биринчи бўлиб «Беш йиллик» участкасидан 6 бригада аъзолари чигитни беш иш кунида экиб бўлдилар. Бу йил улар 123 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил кўтаришга бел боғлаганлар. Василий Пак ва Павел Вон ўртоқлар бошлиқ бригадалар эса эллик центнерлик маррани кўзлаяпти.

Ҳозир ҳамма дала бошида. Поёнсиз карталарда бодраб чиққан яшил ниҳоллар кўрган кўзни қувонтираяпти. Ернинг намига унган чигит деҳқон меҳрига, қуёш тафтига қониб, тобора кўкка бўй чўзаяпти. Бободеҳқоннинг умид кўзи унда. Юксак орзуларнинг рўёбга чиқиши учун ҳар бир ниҳол бошида парвона бўлаяпти, вақтида ишлов бериб, вақтида суғораяпти. Тушки дам олиш соатларида ҳам деҳқон оғзидан пахта деган сўз тушмайди. Дала шийпонларида ўтказилаётган суҳбатлар ҳам пахтага, меҳнатга бағишланяпти. Колхоз бош экономисти А. Ким яқинда дала меҳнаткашларига ҳақ тўлаш тартиби ва социалистик мусобақа тўғрисида суҳбат ўтказди. Суҳбат давомида деҳқонлар эътибори бу йилги бажарилиши лозим бўлган муҳим вазифаларга қаратилди.

Қишлоқда кунлар ҳозир шуидай қизғин ўтаяпти. Ҳар кун, ҳар соат воқеаларга бой. Деҳқоннинг ҳам, механизаторнинг ҳам бир дақиқа тинимми йўқ. Ҳамма бир ният билан — янги беш йиллиқнинг тўнғич йилида пахтадан ҳам, дон ва каноп дан ҳам мўл ҳосил олиб, ватанни хурсанд этиш иштиёқида меҳнат қилаяпти.

Ж. НОСИРОВ,
Қуйи Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ

ДУНЁ ОВОЗИ
ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ҲИНДИСТОНГА ВИЗИТ

ДЕҲЛИ, 30 апрель. (ТАСС). Расмий визит билан бу ерда меҳмон бўлиб турган СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. В. Архиповни Ҳиндистон Президенти Ф. А. Аҳмад, шунингдек Бош министр И. Ганди қабул қилдилар. Самимий, дўстона вазиятда ўтган суҳбатлар вақтида СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг турли жиҳатлари, Совет-Ҳиндистон иқтисодий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. И. В. Архипов КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг мактубини И. Гандига топширди.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ҳиндистон ташқи ишлар министри Я. Б. Чаван, саноатни ривожлантириш ва таъминот министри Т. А. Паи, давлат пўлат ва шахталар министри Ч. Ядав билан ҳам учрашди. Музокаралар давомида иккала мамлакат ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

КЎМИР ҚАЗИБ ЧИҚАРИШ КУПАЙТИРИЛМОҚДА

СОФИЯ. Болгария Халқ Республикаси халқ хўжалигини ривожлантириш планига мувофиқ беш йилликда 1980 йилга бориб кўмир қазиб чиқариш 1975 йилдагига нисбатан 33 процент кўпаяди. «Марица—Восток» кўмир ҳавзаси Болгариянинг энг катта ёқилғи—энергетика маркази бўлиб қолади. Бу ердан ҳар йили электроэнергетика эҳтиёжлари учун 22 миллион тонна лигнит жўнатилади.

Болгариянинг жанубий-ғарбида Бобовдол кўмир ҳавзаси барпо этилади. Бу ерда қурилаётган «Бабино» шахтасининг кончилари шу йилнинг ўзидаёқ 1,5 миллион тонна кўмир қазиб чиқарадилар.

ПОЛЯК ВА АЖНАБИЙ ҲАРИДОРЛАР УЧУН

ВАРШАВА. Лодзидаги яқинда ўзининг 25 йиллигини нишонлаган «Олимпия» трикотаж комбинати ҳаридорлар ўртасида яхши шуҳрат қозонди. Бу комбинат ҳар йили 9 миллион свитер, блузка ва бошқа трикотаж буюмлар чиқаради. Ана шу буюмларнинг кўп қисми Совет Иттифоқи, Чехословакия, Болгария ва бошқа мамлакатларга юборилади.

ЯНГИ МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИ

ХАНОЙ. Социалистик Шимолий Вьетнам саноати янги корхона билан бойинди: рангли металлар ишлаб чиқарувчи металлургия заводи ишга туширилди.

Завод Вьетнам мутахассислари ва ишчиларининг кучи билан лойиҳаланган, қурилган, жиҳозланган. Завод сурма ва алюминий ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган цехларга эга.

ХАЛҚ ТАЛАНТЛАРИ ҚУРИГИ

ПХЕНЬЯН. Бу ердаги бадиий ҳажодкорлик қўригида халқ усталари яратган 400 дан ортиқ асар намойиш қилинмоқда. Бу асарлар қаҳрамон корейс халқининг империалистик агрессиягa қарши, ўз мамлакатининг мустақиллиги ва тинч бирлашуви учун олиб борган қаҳрамонона кураши тўғрисида, социалистик қурилишда эришган муваффақиятлар тўғрисида ҳикоя қилади. Айниқса «Мўл ҳосил» картинаси, ёғочга ўйиб ишланган «Пионер баҳори» деб аталувчи асар томошабинларнинг диққатини ўзига жалб этмоқда.

(ТАСС).

ШИМОЛИЙ ИРЛАНДИЯДА анъанавий диний пасха байрамлари ғолтда ташвишли ўтди. Инглиз қўмондонлиги Ольстердаги қўшинларни жанговар ҳолга келтирди. Кўча ва майдонларда йирик калибрли пулемётлар билан куролланган бронетранспортерлар изғиб юрди. Суратда: Белфаст кўчаларидан бирида. АП-ТАСС фотоси.

Ҳамид ГУЛОМ

АМАЗОНКА ҚЎШИҒИ

ШУ НОМЛИ ДОСТОНДАН ПАРЧА

Пабло изҳор этар
Шунда орзусин:
Чилида бир музей
Этгумдир тортиқ.
Элим Советларнинг
Ҳаётин кўрсин!
Ўзбекистон бизга
Жуда ҳам яқин,
Ибратдир Чилига
Бу янги дунё.
Музей, аслида бу
Ҳаётдир ёрқин,
Уни атагумдир:
«Бухоро»
— Бухоро!
Жуда соз!—
Мезбон маъқуллар,—
Бухорога боринг,
Самарқандга ҳам.
Ўртоқ Пабло, туташ —
Бўлсин кўнгуллар,
Сиз очган музейни
Кўрсин бор олам!
Уни кузатди
Мезбон самимий,
Эски қадрдонлар —
Каби бериб қўл.
Ҳамиша навқирон
Ва кўп қадимий
Дунёни кўришга
Тилайди оқ йўл.
Поёнсиз Қизилқум,
Кўчкин барханлар,
Чўнг Амазонкани
Симиргудай чўл.
Ташриф буюртмишлар
Аср ишларида
Паблога ўртоқ.
Улар қучоқлашиб
Кўришадилар,
Азиз меҳмонларни
Қутлайди мезбон.
Дўстлар ҳолу аҳвол
Сўрашадилар,
Суҳбат мавзуидир
Шеърият, замон.
Лимулик ширин чой
Чиқарар ҳордиқ,
Кўзга тўтиё,
Нақшин саҳифалар —
Мисласиз санъат.
Шарқ Неруда учун
Сирли бир дунё,
Шарқда ўзгачадир
Ҳатто шеърият.
Ҳарфлар, сатрларга
Тикилади у,
Бармоқлари билан
Силайди аста.
Фонийдир ҳар нарса,
Фақат сўз мангу,
Ғазалдир абадий
Олтин гулдаста.
Пабло Нерудани
Олмишлар қуршаб
Бухоролик ёшлар:
Азиз меҳмонлар.
Ул ярим қуррадан
Бунга олиб йўл.
Аркдан тушиб келдик
Кўҳна майдонга,
Шунда Ибн Сино —
Кутубхонаси
Тилсимдай очилди
Улуғ меҳмонга;
Уни сеҳрлади
Илм кошонаси.
Заррин муқовалар
Шоир, санъаткор.
Пабло ҳам Бухоро—
Чолига ўхшар,
Кенг манглай, дўнг бош-у,
Бурун ҳам гўштдор.
Унга нафис китоб
Этилар туҳфа,
Заррин муқовани
Упади меҳмон
Ва лекин қалбини
Босади шубҳа...
— Сизга!— десалар ҳам
Тарқамас гумон...
Ахир, Тошкентдан то
Бу ерга қадар
Аллақанча манзил
Босиб ўтилди.
Тушга ҳам қирмаган
Асил созғалар
Унга чин юрақдан
Тақдим этилди:
Тошкент сўзанаси,
Жиззах полоси,
Самарқанд нақшлари,
Зебу зийнатлар...
Бу совға-саломнинг
Чўнгдир маъноси,
Ғарбий ярим қурра
Буни иззатлар.
Айниқса, китоблар
Меҳмонга азиз,
Ахир, бу—боқийлик
Гўзал тимсоли,
Исла Неграда,1
Агар билсангиз,
Порлар ўзбекларнинг
Санъат жамоли!
Дилда ўша орзу,
Ўша ўй-ҳаёл,
Шоирнинг кўзлари
Сокин боқади,
Бухороликларга
Тикилиб хиёл,
Фикрга толади,
Шеъри оқади:

«...Ёвлар қувди, лекин қўшиқ этди тик парвоз,
Ишчиларнинг юрагида топди у эъзоз.
Кейин уни Патагоннинг сокин кечаси
Яширдилар чўпонларнинг неча-нечаси.
Мис конларда уни кончи мардлар яширди,
Денгизчилар уни олиб сафарга юрди.
Тўлқинлардан, шаҳарлардан учиб ўтди у,
Париж кўки, чех боғларин макон этди у.
Москванинг қўшиғига қўшилди равон,
Гўёки, у шу заминда туғилган ўғлон.
Аён бўлди бунда Чили халқининг қалби,
Тунда Масков юлдузлари кўринган каби!».

Шоир шеър ўқийди
Бухоромизда,
Мовий пештоқларда
Порлайди офтоб.
Яйрайди Неруда
Ҳур диёримизда,
Баҳрида минг йиллик
Хазина — китоб...

1) П. Неруда уйи жойлашган қирғоқ.

БИР ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИ

ПИРИ БАДАВЛАТ

Гул қишлоғидаги бирон тўй-ҳашам, маъракасиз Абдушоҳид отасиз ўтмайди. Ҳар бир хонадонда уни иззат-икром билан кутиб олишади. Ёшларга маслаҳатгўй, дилкаш, ширинсуҳан. Отахон бундай ҳурмат-эътиборга ўзининг ҳалол меҳнати ва эл-юрт учун тўкилган қони туфайли эришган.

Абдушоҳид отанинг ҳаёт йўли халқимизнинг кўпчилик содиқ фарзандларидек Ватанимиз тақдири билан боғлиқ. Октябрь революциясидан сўнг кўпчилик ўзи сингари эзилганлар қатори ёрқин истиқболни ҳис қилиб, коллективлаштиришга бош бўлди. «Коммунизм» колхозининг (ҳозир шу номдаги совхоз) фаол аъзоларидан бири сифатида хўжаликни оёққа турғазишда муносиб ҳисса қўшди.

Ватанимиз тупроғига немис-фашист босқинчилари бостириб кирганида, А. Нишонбоев ҳам кўпчилик қатори юрт ҳимоясига отланди. Яраланиб, госпиталга тушди, лекин яна сафга қайтиб, уруш охиригача жанг майдонларида жасорат кўрсатди. 1945 йилда ўз жонажон қишлоғи Гулга қайтиб келиб, тинч меҳнат билан шуғуллана бошлади.

Абдушоҳид ота фарзандларини эл-юртга муносиб қилиб тарбиялади. Ҳозир отанинг ҳамма фарзандлари турли жабҳаларда ҳалол меҳнат қилишмоқда. Абдулҳақ Абдушоҳидов Жиззах областидаги Ильич район партия комитетининг биринчи секретари, Қаҳҳор Абдушоҳидов Сирдарё район халқ маорифи бўлими мудири. Абдулатип ака эса «Коммунизм» совхозининг 3-бўлимидаги Ибн-Сино номли ўрта мактабнинг педагогик коллективига бош. Расул ака қишиларнинг узоғини яқин қилади — 1 класс шофёри. Эркин Тошкентдаги қон-қўйиш илмий текшириш институтида, қизи эса Гул қишлоғидаги яслида ишлайди. Кичик фарзанди Абдусобит 10 синфда ўқийди.

«Коммунизм» совхозининг меҳнаткашлари Абдушоҳид отанинг ҳузурида тез-тез бўлишиб, ундан йўл-йўриқ олиб туришади. 75 баҳорни кўрган отахон эса ҳали ҳам ёшлардек сергайрат.

Ў. МАҲКАМОВ,
Қуйи Чирчиқ райони.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

2 май, якшанба

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 17.35 — ТОШКЕНТ. 17.40 — Мультфильм. 18.00 — **Футбол:** «Пахтакор» — АСК (Ростов—Дон). 18.50 — Оламга саёҳат. 19.45— **«Ахборот».** 20.00 — МОСКВА. **Футбол:** «Спартак». — «Локомотив». 20.45 — ТОШКЕНТ. 21.05 — Концерт. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — **Соқов хотин** (телеспектакль). **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 10.55 — ТОШКЕНТ. 10.10 — Янгиликлар. 10.20 — «До-ре-ми-фа-соль». 11.00 — Шод ва қувноқ яшаймиз. 11.35 — **Телеминиатюралар.** 12.00 — Байрам мушоираси. 13.00 — Телефильм. 13.20 — **Уч плюс икки** (бадиий фильм). 17.35 — МОСКВА. 18.05 — Цирк майдонида. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Мультфильм. 19.30 — Концерт. 20.00 — Телефильм. 20.45 —Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳида. 21.00 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 22.00 — Ҳужжатли фильм. 22.30 — Концерт. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 16.00 — ФРУНЗЕ.

3 май, душанба

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 18.30 —ТОШКЕНТ. 18.35 — Студентлик — олтин даврим. 19.05 —Қишлоқ ҳаёти. 19.30 — Социалистик мусобақа кундалиги. 20.15 — «Ахборот». 20.30 — Концерт. 21.00— «Ахборот». 21.20 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Ғазал кечаси. 22.00 — «Вақт». 22.30 — **Шашмақом** (телефильм). 23.35 — **Футбол:** «Динамо» (М) — МАСК. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 17.30 — ТОШКЕНТ. 18.30 — МОСКВА. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Расмларда қуёш акси бор. 19.30 — Киноқўзгуда ҳаёт. 20.15 — Фильм-концерт. 20.55 — Телефильм. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 17.00 — ДУШАНБА.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2|V да **Қор маликаси** (12.00). **Уйланиш** (кечқурун).

КИНО

2 МАЙДА

Мистер Мак-Кинлининг қочиши — САНЪАТ САРОЙИ (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 20.45), «ЧАЙКА» (12.00, 15.00, 18.00, 20.45), «ВОСТОК» (10.00, 13.00, 16.00, 18.30, 21.30), «НУКУС» (11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 19.00, 21.00), «МОСКВА» (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 21.00).

Ҳисоблаб чиқарилган бахт — «ҚОЗОГИСТОН» (11.00, 15.00, 19.00), «ЎЗБЕКИСТОН» (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00, 21.30), «ДРУЖБА» (11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 19.00, 21.00), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (11.30, 13.00, 14.30, 16.00, 17.30, 19.00, 21.00).

Бўрон — «ҚОЗОГИСТОН» (13.00, 17.00, 21.00), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00), «ДРУЖБА» (12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00, 21.30).

Қора нарвон — НАВОИЙ номи (10.20, 12.00, 13.40, 15.20). ҲАМЗА номли (11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 18.30, 20.00), Ғ. ҒУЛОМ номли (11.00, 13.00, 15.00, 19.00, 20.30).

Чилонзор райпишчеторги дирекцияси, партия ва касаба союз ташкилотлари райпишчеторгнинг катта товароведи

Маҳсуд МИРЗАЕВнинг

бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»).
Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся.
БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142.

Р—03344. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. В. 2545.